Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 31 июль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 59 (7462)

Da'vat

Maktab voyaga yetayotgan avlod tafakkurini shakllantirish ustaxonasidir; agar kelajakni qo'ldan chiqarishni istamasang, maktabni qo'lda mustahkam tutmog'ing lozim.

Anri BARBYUS

Ibrat

"Buxorojamoaqurilish" 2-ochiq aksiyadorlik jamiyati, 339- va 357-qurilish-montaj jamlanmalari va beshta maxsus firma hamkorligida Qorovulbozorda 450 o'quvchi o'rniga ega yangi kollej binosi qurib bitkazilmoqda. Sanoat yo'nalishida kichik mutaxassislar tayyorlovchi ushbu dargoh Mustaqilligimizning 11 yillik bayrami arafasida foydalanishga topshirilishi rejalashtirilgan.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ - ЎЗАРО СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

Токио. 29 июл. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Япония ҳукумати таклифи билан Токиога расмий ташриф билан келган Президент Ислом Каримов бугун Бош вазир Жуньитиро Коидзуми билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тикланиш, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр алмашилди. Учрашув якунида Ислом Каримов ва Жуньитиро Коидзуми икки мамлакат ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнотларга имзо чекди. Биринчи ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатларни ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдиради. Ўзбекистон томони Япония юритаётган "Ипак йўли минтақаси дипломатияси" сиёсатини юқори баҳолаган бўлса, Япония Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкор деб билишини, халқаро террорчиликка қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини ғоят қадрлашини ва мамлакатимизнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлаган. Ҳужжатда икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология ва таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам манфаатдорлиги таъкидланиб, Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилган.

Иккинчи ҳужжатда эса энергетика соҳасидаги ҳамкорликдан ўзаро манфаатдорлик эътироф этилиб, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан чекланиш ва ҳаво алоқаси борасидаги ҳуқуқий асосни мустаҳкамлашга келишиб олингани таъкидланган.

Айни пайтда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokyo-Mytsubisi» ўртасида имтиёзли кредит, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасида имзоланган ҳужжатлар ўн тўрттага кўпайди.

ЎзА мухбирларига маълум қилишларича, Япония Бош вазирининг қароргоҳида мамлакатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида бундай йўл тутилгани Японияннинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов Япония императори Акихито билан учрашди. Бу учрашувда ҳам томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлиги таъкидланди. Япония императори сиёсий ишларга аралашмаса-да, мамлакат халқининг фахри ҳисоблангани боис катта нуфуз ва обрўга эга. Бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига ғоят илиқ муносабат билдириши — музокарадаги очиқлик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «Империал» меҳмонхонасида Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи хоним, молия вазири Масажуро Шиокава, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Такао Каваками, Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) президенти Кёсуки Шинозавани қабул қилди. Учрашувларда Ўзбекистон-Япония муносабатларини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ —ВАСЕДА УНИВЕРСИТЕТИ ФАХРИЙ ДОКТОРИ

30 июль. Токио. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Президент Ислом Каримов Японияннинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири - Васеда университетига ташриф буюрди. Шу муносабат билан мазкур илм даргоҳида бўлиб ўтган учрашувда университет ректори Окушима Такаясу Ислом Каримовнинг давлатни бошқариш, ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон эришаётган ютуқлар, хусусан, изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам аҳамияти катта эканлигини қайд этди.

Васеда университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Ислом Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди. Президентга бу ҳақдаги ҳужжат топширилди ва докторлик мантияси кийдирилди.

Йиғилиш сўнггида Ислом Каримов ўзбекистонлик талабалар билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон учун замонавий кадрларнинг аҳамияти, бу борада мамлакатимизга Япония томонидан кўрсатилаётган ёрдам ҳақида сўзлади.

Японияннинг турли олий ўқув юртларида етишган ўзбекистонлик талаба таълим олмоқда.

Шу куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат яна 20 нафар ўзбекистонлик йигит-қизнинг Японияда таҳсил олиши учун имконият яратади.

Президентимизнинг Японияга ташрифи учрашувларга бой кечмоқда. Ислом Каримов «Империал» меҳмонхонасида «Мицуи» компанияси президенти Шинжиро Шимидзуни қабул қилди. Ушбу компания мамлакатимиздаги кўплаб йирик лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Учрашувда Ўзбекистон билан «Мицуи» ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, амалга оширилаётган ва келгусида ижро этилиши мўлжалланаётган қўшма лойиҳаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Япония Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар билан учрашди. Унда Японияннинг собиқ бош вазири Йосиро Мори, ЛДПнинг сиёсий ишлар бўйича комиссияси раиси, «ЛДП-Ўзбекистон» дўстлик лигаси президенти Таро Асо, Лига бош котиби Нарияки Накаяма давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига умид билдирди.

«Токио Каикан» меҳмонхонасида Япония ишбилармонлари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар, хорижлик сармоядорлар учун яратилаётган қулай шароитлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

Суратда: Президент Ислом Каримовнинг Японияда таҳсил олаётган Ўзбекистонлик талабалар билан мулоқоти пайти.

А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МИҚДОР ЎЗГАРИШДАН СИФАТ ЎЗГАРИШГА
2-бет

САХОВАТ
Япония давлати Ўзбекистондаги 27 та меҳрибонлик уйларига мурувват кўрсатди
2-бет

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ШЎЪБА ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР
4-бет

САВОДСИЗЛИК ТАРҒИБОТИ
унга ҳар қадамда дуч келиш мумкин
5-бет

ТАЛАБАГА ТАЛАБ ТЎҒРИ ҚЎЙИЛСА...
6-бет

КЕЛИННИ АРДОҚЛАШ КЕРАК
6-бет

ФАН ВА ТАЪЛИМ ОЛАМИДА
6-бет

ОЙ ЁРУҒИДА ЎЙНАЛАДИГАН ЎЙИН
7-бет

СЕГОҲ
(ҚИССА)
8-бет

ОМАД СИЗГА ҲАМРОҲ БЎЛСИН, АБИТУРИЕНТЛАР!

Jarayon

Ҳар йили бўлганидек, бу йил ҳам 1 август куни республикамиздаги 63 та олий ўқув юртига ўқишга кириш иштиёқида юрган абитуриентлар тест синовларида қатнашишади. Олий таълим муассасасига ҳужжат топширган барча абитуриентларга Давлат Тест марказининг махсус рухсатномаси тарқатилди.

Бугун абитуриент йигит-қизлар охирги куч-имкониятларини сарфлаб, синовга тайёргарликни якунламоқдалар. Улар орасида мустақил равишда тестга тайёргарлик кўрганлар ҳам, олий ўқув юрти қошида ташкил этилган тайёргарлик курсларида ўрта мактабда олган билимларини мустаҳкамлаганлар ҳам, репетитор ёллаб тараддуд кўрганлар ҳам анчагина. Бу ўғил-қизларнинг барчаси тестда бир хил имконият ва имтиёзларга эгалар. Синовдан эса фақат билимлиларгина ўтади. Нафақат йигит-қизлар, балки уларга тайёргарлик жараёнида кўмак берган ўқитувчи ва репетиторлар ҳам яна бир карра ўзларини "чиғириқ"дан ўтказишади. Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан, жорий йилда 51100 нафар йигит-қиз олий ўқув юрти талабаси деган шарафли номга мушарраф бўлади. Ариза топширганлар 217 381. Агар олий таълим муассасасида ажратиладиган бир ўринга неча номзод кураш олиб боришини кўрадиган бўлсак, ҳар йилгидек натижа чакки эмас: 4,3 номзод.

Маълумки, ўтган йилдан бошлаб бир нечта олий ўқув муассасаларида махсус сиртқи бўлим ташкил қилинган эди. 2002-2003 ўқув йилида 3000 нафар абитуриент сиртқи бўлим талабаси бўлиш имкониятига эга. Ушбу бўлимларга 7359 нафар абитуриент ўз ҳужжатларини топширган. Бу дегани бир ўрин учун 2.45 номзод кураш олиб боради.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
"Ma`rifat" мухбири

"O'ZBEKTURIZM" O'N YOSHDA

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov "O'zbekturizm" Milliy kompaniyasi tashkil etilganligining o'n yilligi munosabati bilan kompaniya jamoasiga samimiy istaklar va kelajakda ulkan muvaffaqiyatlar tilangan tabrik maktubini yo'lladi.

SESSIYA CHAQIRILADI

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Kengashining qaroriga binoan Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining to'qqizinchi sessiyasi shu yilning 29 avgustida Toshkent shahrida chaqiriladi va unda mamlakatimiz hayotiga taalluqli qonunlar va masalalar muhokama etiladi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

YAPON BOG'IDA YAPONIYA MADANIYATI KUNI

Mamlakatimiz rahbari Islom Karimovning Yaponiyaga rasmiy tashrifi arafasida Toshkentdagi yapon bog'ida ochilgan Yaponiya madaniyati kuniga tashrif buyurganlar kunchiqar mamlakatning nafis va sir-sinoatga to'la madaniyati namunalarini tomosha qilib, olam-olam taassurotga ega bo'lishdi.

O'ZBEK KURASHI BO'YICHA YEVROPA CHEMPIONATI

Yil sayin dunyo xalqlarining sevimli sport turlaridan biriga aylanib borayotgan jozibali o'zbek kurashi bo'yicha 9-11 avgust kunlari Turkiyaning Izmir shahrida bo'lib o'tishi mo'ljallanayotgan 2-Evropa chempionatida qit'aning 20 ga yaqin mamlakatidan polvonlar ishtirok etishi kutilmoqda.

30 TA ШАРТНОМАДАН БИРИ

Istiqlol imkoniyatlari

Тошкент Давлат техника университетининг 40 нафар ўқитувчиси Москванинг етакчи олий ўқув юртлари — Бауман номидаги Москва Давлат техника университети, тоғ-кон ва энергетика институтлари, Москва давлат нефт ва газ академиясида малака ошириб қайтишди.

Сафарнинг ташкил этилиши Тошкент ва Россиянинг қатор ихтисослашган олий ўқув юртлари орасида имзоланган шартномаларнинг дастлабки самарасидир. Бу келишув апрель ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган "XXI асрда техник таълим" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция якунларига кўра тузилган эди. Анжуманга Америка, Европа, Россиянинг 18 та нуфузли ректор ва профессорлари тўпланган эди. Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Олий мактаб Халқаро Фанлар академияси Ўзбекистон бўлими Тошкент давлат техника университети билан биргаликда ўтказганди. Ушанда бошқа мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган эди. Уларда мутахассисларимизни малака оширишга юборгдек, маъруза-таниқли хорижий профессорларни таклиф этиш кўзда тутилган.

Ўқув муассасалари профессор-ўқитувчилари ва тармоқларда ишлаётган мутахассислар малакасини ошириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимнинг мустақил тури сифатида белгиланган. Мамлакатимизда уни ривожлантиришга сўнгги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда Тошкент давлат техника университетида ҳам "Устоз" республика жамғармаси кўмагида анча-мунча ишлар олиб борилмоқда. Бу иш университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланган ўқитувчиларнинг малакасини ривожланган мамлакатлар етакчи техник олий ўқув юртларида оширишнинг истиқболли режасига асосланган. Бугунги кунда илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама бундай шартномалар 30 та.

Ҳамкорликка қизиқиш икки томонлама бўлиб, Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёни билан танишаётган кўпгина хорижий ўқув муассасалари раҳбарлари таъкидлаганидек, республикамизнинг бу соҳадаги тажрибаси нафақат ўрганишга, балки оммалаштиришга ҳам арзийди. Бу нарса муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш соҳасига ҳам алоқадор.

Мухбиримиз

UZOQ VAQT SAQLASH MUMKIN

Yurtimiz mutaxassislari tomonidan Bo'stonliq tajriba dalasida olma bilan behi urug'lari chatishtirilib, duragay daraxt navi yaratilgan edi. Bu daraxtdan meva olishga ham erishildi. Yangi nav mevasi yirik, qattiq, dumaloq shaklda, sarg'ish rangda, urug'i yirik, nordon-shirin ta'mda bo'lib, uni uzoq vaqt, hatto kelgusi hosilga qadar bemalol saqlash mumkin ekan.

ASTEROID HARAKATI

Nyu-Meksika observatoriyasi olimlari Yer tomon katta tezlikda harakatlanayotgan, diametri 2 km.ga teng asteroidni kashf etishdi. Mutaxassislar hisob-kitoblariga qaraganda, asteroid yana 17 yildan so'ng Yerga yetib keladi. Bu muddat ushbu xatarni bartaraf etish maqsadida insoniyat nimadir o'ylab topish uchun yetarli, deya ta'kidlashmoqda olimlar.

O'qituvchi yon daftariga

BOSHLANG'ICH IDROKKA EGA

Edinburg universiteti akademigi Toni Truevas uzoq tadqiqotlardan so'ng, o'simliklar boshlang'ich idrokka ega, degan xulosaga keldi. Olimning ta'kidlashicha, yovvoyi o'simliklarda turli tabiiy ofatlarni sezish va avval bo'lib o'tgan shunday voqealarni eslab qolish qobiliyati mavjud.

YEVROPADA ENG KO'HNA

Britaniyalik arxeologlar Albaniya janubida olib borishgan qazilma jarayonida Yevropada eng qadimgi deb hisoblanilayotgan shaxmat donasini topishdi. Eramizning VI asriga taalluqli deb topilgan bu topilma, shaxmat Yevropaga XII asrda kirib kelgan, degan fikrni yo'qqa chiqardi.

Бой берилган вақтнинг 8-синфларида 20-25фоизни, 7-синфларда (кузги таътиллар билан бирга) 50-60 фоизни қишки таътил ҳисобига тўлдиришга эришилган.

Таҳлиллар Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида эса сиҳатгоҳлар шароитида болаларни соғ-ломлаштириш ишларн етарли даражада эмаслигини кўрсатди.

Hay'at yig'ilishida

МИҚДОР ЎЗГАРИШДАН, СИФАТ ЎЗГАРИШГА

Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг 7,8-синф ўқувчилари таълим тайёргарлик даражасининг ДТС талабларига мослиги ва таълим сифатини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу мақсадда вилоятлар халқ таълими бошқармалари, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари, уларга қарашли 15 та туман(шаҳар) халқ таълим бўлимлари ҳамда тасарруфдаги 90 та умумий ўрта таълим муассасаларининг 2001/2002 ўқув йили якуни бўйича ДТСни ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш билан боғлиқ фаолиятлари ўрганилди. Кўрилган мактабларнинг 7-синфларида геометрия, кимё, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, физика, она тили ҳамда биология ўқув фанларидан, 8-синфларда алгебра, иқтисодий билим асослари, тарих, физика, она тили, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари ўқув фанларидан ўқувчилар билимининг ДТС талабларига мослик даражаси мониторинги ўтказилди, ҳамда шу мосликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Ўрганишлар ўқувчилар билимининг ДТС талабларига қуйидаги мослик даражасини кўрсатди: 2001/2002 ўқув йилининг якуни бўйича барча 7-8-синф ўқувчилари томонидан билим, кўникма ва малакаларни ДТСда белгиланган таълим минимумлари даражасида **ўзлаштириш умумий самарадорлиги** Тошкент вилоятида 79,8 фоизни, Сирдарё вилоятида 77,3 фоизни, Сурхондарё вилоятида эса 75,3фоизни ташкил этди.

Ушбу кўрсаткичлар 1999/2000 ўқув йили якунларига нисбатан (икки йил давомида) Сирдарё вилояти бўйича 28,2 фоизга, Сурхондарё вилояти бўйича 12,7 фоизга ва Тошкент вилояти бўйича 0,7 фоизга ўсган. 2000/2001 ўқув йили охирида ўтказилган мониторинг натижаларига нисбатан эса (бир ўқув йили давомида) улар Сирдарё вилояти бўйича 8,3 фоизга ва Тошкент вилояти бўйича 1,9 фоизга ўсган, Сурхондарё вилояти бўйича ўзгармаган.

Қиёсий таҳлилларнинг кўрсатишича, Тошкент вилояти мактабларида мониторингнинг умумий натижалари Сирдарё мактабларига нисбатан юқори бўлиб, ўз навбатида Сирдарё вилоятидаги мактабларда улар Сурхондарё вилоятидаги мактабларга нисбатан юқорироқдир.

Ушбу натижаларнинг вужудга келишига таъсир этган сабаб ва омилларни аниқлаш мақсадида ўтказилган мониторингда қуйидагилар аниқланди:

Умумий ўрта таълим муассасалари ДТС талабларини ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида: ўқитувчиларнинг 25-30 фоизи малака ошириш институтларида, тахминан яна шунчаси туман(шаҳар) ХТБлари қошидаги услубиёт хоналарида ташкил этилган махсус қисқа муддатли курсларда, семинарларда ва бошқа ўқув турларида ДТС талабларини ўрганган. Қолган ўқитувчилар эса улар билан мактабларда фан услубий бирлашмалари йиғилишларида танишган; Малака ошириш институтлари ҳамда жойлардаги методика кабинетлари томонидан ДТС ва янги ўқув дастурларни ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган методик тавсиялар, дидактик материаллар, йўриқномалар ишлаб чиқилган, таълим муассасаларига етказилган.

Мониторинг ўтказиш жараёнида ўрганилган вилоятлар Халқ таълими бошқармалари, уларнинг тасарруфидаги таълимни бошқарув органлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятида бир қатор камчиликлар, ечимини топмаган муаммолар ҳамда ишлатилмаётган заҳираларнинг мавжудлиги аниқланди.

Тест синовларида қатнашган 7-8-синф ўқувчиларининг умумий сонидан фақатгина 2,7 фоизи, барча саволларга тўғри жавоб бериб, билим, кўникма ва малакаларини ДТС талаблари даражасида тўлиқ (100 фоизга) ўзлаштирганликларини кўрсатганлар. Шу вақтнинг ўзида, ДТС талабларига нисбатан билим, кўникма ва малакаларни ўта паст (70 фоиздан паст) даражада ўзлаштирган ўқувчилар сони 21,8 фоиз ташкил этмоқда.

Мониторингда қатнашган бир қатор ўқитувчиларнинг билим даражалари паст бўлиб, ўқувчиларга ДТС талаблари даражасида сифатли билим берилишини таъминланмайди. Синовларда қатнашган Сурхондарё вилоятидаги 142 нафар ўқитувчилардан 78 фоиз, Сирдарё вилоятидаги 141 нафар ўқитувчилардан 59 фоиз 7-8-синф ўқувчилари учун мўлжалланган тест топшириқларини бажараётганда еттитасаккизтагача хатоларга йўл қўйишган. Тошкент вилояти мактабларида ҳам мазкур тест топшириқларини тўлиқ еча олмаган ўқитувчилар йўқ эмас.

Педагог ходимларнинг маълум қисмида ўз педагогик фаолиятининг якуний натижалари учун шахсий масъулиятини ҳис қилиш туйғуси шаклланмаган. Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни ДТС талабларига мос равишда мунтазам тўлдириб бориш, улар томонидан таълим минимумларини талаб даражасида тўлиқ ўзлаштиришга эришиш ҳар бир фан ўқитувчиси ва мактаб маъмуриятининг хизмат вазифаларининг асосий қисми эканлигига тушуниб етишмаган.

Аксарият мактабларда маъмурият томонидан таҳлил қилинган дарсларнинг сони ўрнатилган меъёрларнинг фақатгина 40-50 фоизини ташкил этади, холос. Шу билан бирга, дарс таҳлили жараёнида уларнинг эътибори, асосан, ўқитувчининг умумий педагогик маҳоратини ўрганишга қаратилган. ДТСни ўқув жараёнига татбиқ этиш юзасидан қўлланилаётган педагогик шакл ва усулларининг самарадорлиги, барча синф ўқувчиларининг билимини ДТС талаблари даражасига келтиришга қаратилган фаолиятлари мақсадга йўналтирилган ҳолда таҳлил қилинмаган.

Билим сифатига таъсир этувчи асосий омиллардан яна бири, бу ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланганлик даражасидир. Текширув жараёнида жами 7-8-синф ўқувчиларининг ўрганилган ўқув фанлари бўйича дарсликлар билан умумий таъминланганлигининг энг паст даражаси Сурхондарё вилояти мактабларида (69,2%) эканлиги аниқланди. Тошкент вилояти мактабларида мазкур кўрсаткич 81,3 фоизни, Сирдарё вилоятида 91,0 фоизни ташкил этган. Қатор мактабларда айрим ўқув фанларидан ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланганлиги ўта паст даражада. Алоҳида ўқув фанлари бўйича дарсликлар билан таъминланмаган ўқувчилар миқдори 55-60 фоизни ташкил этади. Айрим ҳолларда эса алоҳида олинган ўқув фанларидан дарсликлар бутун синф бўйича фақатгина 1-2 та ўқувчининг қўлида мавжуд холос (Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 42-мактаб, Олтинсой туманидаги 8-мактаб).

Маълумки, ўқувчилар томонидан дарсларни кўп қолдириш ҳолатлари ўқув материалларини пухта, ДТС талаблари даражасида ўзлаштиришга салбий таъсирини кўрсатади. Ўрганилган аксарият мактабларда ўқувчилар қолдирган дарс соатлари фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари томонидан синф журналларида аниқ ва холисона қайд қилинмаган, маъмурият томонидан педагогларнинг мазкур йўналишдаги ишлари қаттиқ назорат остига олинмаган.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, 2001/2002 ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида аксарият мактабларнинг 8-синф ўқувчилари Сирдарё вилоятида 42 кун давомида, Сурхондарё вилоятида 26 кундан 54 кунгача қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинган, яъни улар ўрта ҳисобда биринчи ярим йиллиқдаги 94 ўқув кунининг 30-55 фоизни ўқув жараёнига тегишли бўлмаган ишларга сарфлаганлар. Сирдарё вилоятидаги айрим мактабларнинг 7-синф ўқувчилари ҳам 24 кун давомида, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги мактабларнинг 7-8-синф ўқувчилари 3 ҳафта давомида пахта теримида қатнашганлари туфайли ушбу синфларда ҳам қолдирилган дарс соатлари мавжуд бўлган.

Бой берилган вақтнинг 8-синфларида 20-25фоизни, 7-синфларда (кузги таътиллар билан бирга) 50-60 фоизни қишки таътил ҳисобига тўлдиришга эришилган. Ўқув материалининг қолган қисми ўқув йили якунига қадар, уни ихчамлаш ва зичлаштириш эвазига тўлдирилди. Лекин, бундай ҳолатда ўқувчиларда ДТС талабларига мувофиқ бўлган чуқур ва мустаҳкам билимларни эгаллашга жуда кам вақт қолиб, ўқитувчиларда мазкур билимларни мустаҳкамлашга, эришилган натижаларни сифатли таҳлил қилишга ҳамда шу таҳлиллар асосида ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни қоплашга ажратилган вақт миқдори кескин камаймоқда.

Ўрганилган вилоятлар таълим тизимларида ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни мунтазам тўлдириб боришга қаратилган механизми етарли даражада шакллантирилмаган, самарадорлик эса қўйилган мақсадларга фақат қисман жавоб бермоқда; кўрилган таълим муассасаларида ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш бўйича ишларни ташкил этишда муҳим фарқланишлар кузатилмоқда.

Масалан, жами қамраб олинган мактаблардан 20-25 фоизда ДТС талаблари даражасида билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштира олмаётган ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириб боришга қаратилган ишлар эскича ёндашув асосида, фақат чорак баҳоси "2" чиқадиган ёки иккинчи йилга қолаётган (кузги синовга қолдириладиган) ўқувчилар учун ташкил қилинган. Ярмига яқин мактабларда қўшимча машғулотларга фақат ДТСларда белгиланган билимларнинг мажбурий минимумларини 70 фоиздан паст даражада ўзлаштирган ўқувчилар тортилган.

Аксарият текширилган мактабларда ДТСларда белгиланган мажбурий таълим минимумларини 90–99% атрофида ўзлаштирган, яъни билимларида қисман камчиликлари бор ўқувчилар билан, шу камчиликларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ишлар амалга оширилмаяпти. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, ўқувчилар билимидаги мавжуд бўлган бўшлиқларни бевосита дарсларда ҳамда дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида тўлдириб бориш услублари ишлаб чиқилмаган. Мазкур масала юзасидан ўқитувчиларга тегишли тавсияномалар ёки кўрсатмалар берилмаган.

Йиғилишда шунингдек, мазкур гуруҳлар ташкил этилган мактабларда, уларнинг имкониятларидан ўқувчилар томонидан мажбурий минимал билимларни талаб даражасида тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун унумли фойдаланилмаётганлиги, билимдаги бўшлиқларни тўлдириш учун ўқитувчи раҳбарлигида паст ўзлаштирувчи ўқувчиларни аъло ўқиётган синфдош ва юқори синфлардаги ўқувчиларга бириктириш усуллари деярли қўлланилмаётганлиги айтиб ўтилди. ДТСни ўқув жараёнига татбиқ этиш ишлари 3 йил давомида амалга оширилиб келинганлигига қарамасдан, жойлардаги методик хизмат тизими ходимларининг кўпчилик қисми ўз фаолиятини, давлат таълим стандартларини кўзда тутиб, тегишлича жиддий қайта кўриб чиқмаганлиги таъкидланди.

Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев раислик қилган мазкур ҳайъат мажлиси ниҳоясида мактаб ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасининг ДТС талабларига мослигини таъминлаш ва таълим сифатини такомиллаштириш мақсадида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги матбуот маркази раҳбари

САХОВАТ

Япония давлати Ўзбекистондаги 27 та меҳрибонлик уйларига мурувват кўрсатди

Япония маданият жамғармаси ушбу кунчиқар юрт элчихонаси билан биргаликда 1993 йилдан буён Тошкентда ҳар йили Ўзбекистон таълим тизимини ривожлантириш, бу борада Япония билан ўзаро тажриба алмашиш, янги педагогик технологиялардан фойдаланишни амалга ошириб келмоқда. Дастлаб япон тилини ўргатиш бўйича Тошкент шаҳридаги 295-мактабда тил ўрганиш машғулотлари йўлга қўйилди. Дарсларни факультатив асосида Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети битирувчилари, Япония элчихонасининг таълим бўйича мутахассислари ўтишмоқда. Ушбу мактабга 200 га яқин япон тилидан махсус қўлланма, 20 дан ортиқ сўзлашгич, 10 комплект энциклопедия совға қилинди. Шунингдек, мазкур мактаб доимий ахборот билан таништирувчи журнал ва брошюралар билан таъминланиб келмоқда.

Республика Халқ таълими вазирлигида куни кеча ушбу давлат томонидан мамлакатимиздаги 27 та меҳрибонлик уйлари учун 4000 жуфт оёқ кийими миқдоридаги беғараз ёрдамни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Япония ва Ўзбекистон маданий- иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси фахрий президенти Хирохаши Окимитзу, "Silkroad Uzbekistan Japan Inc" компанияси бошқарма бошлиғи Казухиро Йотида ҳамда 5 нафар ассоциация аъзолари иштирок этди. Халқ таълими вазири Р.Жўраев иштирок этиб, Япония ва мамлакатимиз ўртасидаги таълим тизимидаги алоқалар янада ривожланажаги ҳақида тўхталиб ўтди ҳамда кўрсатилган ёрдам учун миннатдорлик билдирди.

Маросимда республикамиз таълим тизимидаги бугунги изланишлар хусусида гапирилди. Мазкур инсонпарварлик ёрдами Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига тарқатилади.

Ғофур ЖАБИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Суратда: маросимдан лавҳа.
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ЎҚИШ ШАРОИТЛАРИ ЯХШИЛАНАДИ

Бухоро қурилиш акциядорлик жамияти қурувчилари Бухоро машинасозлик коллежининг янги биносини 1-сентябрга фойдаланишга топширишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Коллеж биноси қурилишида 4-, 6-,7-қурилиш монтаж фирмалари, "Бухоросаноатавтовентиляция" шўъба корхонаси, 18-автобаза акциядорлик жамияти, 220-кўчма механизациялашган жамланма ва "Ўзэлектромонтаж" корхоналари фаол иштирок этмоқдалар — деди Бухоро қурилиш акциядорлик жамияти раиси Амин Ортиқов. — Мазкур иншоот 900 ўқувчига мўлжалланган. бўлиб 300 ўринли ошхона, мажлислар ва спорт заллари, қозонхона трансформатор подстанцияси ҳам талабалар ихтиёрида бўлади. А.Ортиқовнинг таъкидлашича, ҳозир бинода муҳандислик коммуникацияларини монтаж қилиш, пардозлаш ишлари 2 сменада жадал олиб борилмоқда. Қурилишга оид барча муаммолар шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳал этилмоқда. Ишчилар бино атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам бошлаб юборишди.

"ПРАГМА" ЎҚИТАДИ

"Прагма" коорпорацияси Тошкентда Бухоро, Қарши, Хоразм ва пойтахт бизнес уюшмалари вакиллари учун USAIDнинг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш дастури бўйича "Стратегик режалаштириш" мавзуи бўйича беш кунлик ўқув машғулотларини ўтказди.

— Ушбу машғулотлар сайёҳлик уюшмалари, тадбиркор оилалар ва бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади, деди коорпорация вакили Елена Василева. — Олинган билим ва услубий материаллар тадбиркорларга амалда бизнес-режа тузиш, Ўзбекистонда аккреддитация қилинган турли жамғармалар грантларига йўл топиш имконини беради.

Е.Василеванинг маълум қилишиича, навбатдаги шундай машғулотлардан сўнг ўтказилган танловда 45 нафар тадбиркорлар грантлар олишга муваффақ бўлдилар.

"Туркистон-пресс".

БОЛАНГИЗНИНГ САЛОМАТЛИГИ ҚАНДАЙ?

ёхуд Республикада 2002 йилда ўтказилган олти ёшли болаларнинг тиббий кўриги якунлари хусусида

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказининг "Республикада 2002 йилда олти ёшли болаларнинг тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказиш якунлари"га бағишланган ҳамкорликдаги кенгайтирилган қўшма Кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари соғлиқни сақлаш бошқармалари бош педиатр шифокорлари, Тошкент шаҳар туманлари ташхис Марказлари раҳбарлари ва шифокорлари ҳамда бошқа мутасадди мутахассислар иштирок этдилар.

Республика Педиатрия илмий текшириш институтининг директор муовини М.Аҳмедов мазкур масала бўйича таҳлилий маъруза қилди.

Маърузада шу йил ўтказилган олти ёшли болалар тиббий кўригининг натижалари, кўрик жараёнида амалга оширилган бир қатор ижобий тадбирлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлларига тўхталди.

Жумладан, у болаларни олти ёшдан аста-секин мактабга жалб этиш — умумий ўрта таълимни ислоҳ қилиш давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири эканлиги, уларни ўқишга етуклик даражасини тўғри ва илмий аниқлашда мутахассислар ҳамда гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштириш, тегишли мезон талабларига жавоб берадиган олти ёшли болаларни мактабга тавсия этишни юқори савияда ташкил этиш ўта муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

— Бироқ, — деб давом этди М.Аҳмедов — Республика миқёсида ўтказилган олти ёшли болалар тиббий кўриги якунлари чуқур таҳлил этилганда, айрим вилоятлар (Тошкент, Навоий, Андижон, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри)да олти ёшли болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш масалаласига жиддий эътибор қаратилмаганлиги маълум бўлди.

Натижада Қорақалпоғистон Республикасида 92%, Андижон вилоятида 93,5%, Навоий вилоятида 96,3%, Тошкент вилоятида 96,4%, Тошкент шаҳрида 96,9% болалар тиббий кўрикдан ўтказилган холос.

Республика бўйича 10 мингдан зиёд олти ёшли болалар белгиланган муддатларда тиббий кўрик билан қамраб олинмаган. Бу, жойларда тиббий кўрикка тайёргарлик ишлари, отаоналари, кенг жамоатчилик билан ишлаш, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ташкилий жараёнда маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш каби тадбирлар ҳали етарли даражада йўлга қўйилмагани оқибатидир.

Таҳлиллар бир қатор вилоятлар (Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси)да олти ёшли болаларни мактабга қабул қилиш учун нисбий монеълик қилувчи касалликлар бирмунча юқори даражада эканлигини, шунингдек Наманган, Тошкент, Хоразм, Бухоро, Андижон, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кундузги шифохоналар шароитида, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида эса сиҳатгоҳлар шароитида болаларни соғломлаштириш ишлари етарли даражада эмаслигини кўрсатди.

2002 йилнинг февраль-май ойлари мобайнида олти ёшли болалар тиббий кўригининг ташкил этилиши, ўтказилиши ва якуний босқичлари Тошкент, Навоий, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг бир қатор туманларида ўрганилиб, кўрик жараёнида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш билан бирга тегишли методик ёрдам кўрсатилди.

Tashxis

Аввало, жойларда Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликларининг 2000 йил 21 январдаги "Олти ёшли болаларнинг тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги 23/13 сонли буйруқларига қатъий амал қилиш, тиббий кўрик комиссиясида белгиланган 8 та мутахассиснинг тўла иштирокини таъминлаш, жойларда тор мутахассиснинг етишмаган ҳолда уларни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, ҳатто Республикадан жалб этиш, айниқса, соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирлиги, ташхис Марказлари мутахассислари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалаларига жиддий эътиборни қаратмоқ лозимлиги таъкидлади.

Маъруза юзасидан Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи А.Зокиров, Республика ташхис Маркази директорининг ўринбосари Й.Асадов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Н.Туреева йиғилишга якун ясаб, болаларни олти ёшдан мактабга қабул қилиш "Таълим тўғрисида"ги қонунда белгиланган экан, бу масалага ўта жиддий муносабатда бўлиш, айниқса, болаларда турли касалликларнинг олдини олиш борасидаги профилактик ишларни янада кучайтириш, бемор болаларни соғломлаштириш ишларида сусткашликка йўл қўймаслик, бу масалаларни ҳал этишда соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бўлимларининг мутасадди мутахассислари ўртасидаги ҳамкорлик ишларини яхшилаш лозимлигини яна бир бор таъкидлади.

Кенгаш якунида кўрилган масала юзасидан қатор чора-тадбирлар белгиланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

К.ИНАМОВА,
Республика ташхис Маркази бўлим бошлиғи
М.УСМОНОВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етакчи мутахассиси

Хўш, демократик жамиятда диннинг ўрни ва мавқеи қандай бўлиши керак? Бизда давлат ва дин муносабатлари қай тарзда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган?

Бизни таажжубга солган ҳолат шу бўлдики, наҳотки 4 йилдан буён авария ҳолатидаги махсус мактаб-интернатдан ҳеч ким хабар олмаса — ёрдам қўлини ғўзишга ниятилмаса?

ЖАМИЯТДА ДИННИНГ ЎРНИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёни жадал олиб бориляпти.

Хўш, демократик жамиятда диннинг ўрни ва мавқеи қандай бўлиши керак? Бизда давлат ва дин муносабатлари қай тарзда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган? Дин — нима-ю, диний ақидапарастлик — нима? Динлараро бағрикенглик ғоясининг моҳиятида нималар ётади? Нима учун у "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласида миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари сирасига киритилган?

Юртимизда асрлар мобайнида такомилга етган тасаввуф фалсафасининг динлараро бағрикенгликни таъминлашдаги аҳамияти бугун айнан қайси нуқталарда кўпроқ кўринади?

Муқаддас динимиз миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири ҳисобланар экан, жамиятда ҳалоллик, поклик, адолат, маърифат ғояларининг амалда бўлишига эришмоқ учун ислом қадриятларини одамлар онг-тафаккури ва қалбига қандай, айнан қайси йўл ва усуллар орқали сингдириш лозим?..

Бу саволларнинг ҳар бири янги — демократиялашаётган жамият талаблари ва халқаро давлатчилик мезонларидан келиб чиқиб, босиқлик ва асосли илмий мантиқ билан жавоб беришни талаб этади.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Тошкент шаҳри ҳокимияти билан ҳамкорликда ўтказган "Жамиятда диннинг ўрни" мавзуидаги илмий-амалий семинарда шулар ҳақида баҳс-мунозара юритилди.

Шу соҳаларнинг мутахассиси бўлган олимлар: Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши масъул котиби — Аслиддин Болиев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — Рихситилла Акромов, маърузачилардан: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор — Нажмиддин Комилов, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбар ўринбосари, филология фанлари номзоди, доцент — Султонмурод Олим, Тошкент Давлат шарқшунослик институти проректори, тарих фанлари номзоди — Музаффар Комилов, Тошкент шаҳри ҳокимияти масъул ходими, диншунос — Сарвар Абдуллаевлар "Тасаввуф ва диний бағрикенглик", "Давлат, дин ва мафкура", "Исломда йўналиш ва мазҳаблар", "Радикал диний оқимларнинг ислом таълимотига зид фаолияти" мавзуларида маруза қилиб, давлат ва дин муносабатлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Семинар жойларда маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришнинг янги оқилона йўналишларини белгилаб олишга, давлат ва дин, дин ва мазҳаблар, тасаввуф ва диний бағрикенглик, умуман, жамиятда диннинг ўрни моҳиятини тўғри англаб, тўғри тушунтиришга ундайди.

Шоҳрухбек ОЛИМ

КАСБ МАҲОРАТИ НАМОЙИШИ

Яқинда Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ўртасида бўлиб ўтган "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танлови ниҳоясига етди. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига асосан академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг касб маҳорати ва билимларини чуқурлаштириш, ўз касбига ижодий ёндошувчи, изланувчан ўқитувчиларни топиш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида 15 нафар ўқитувчи иштирок этди.

Ko'rik tanlov

Кўрик-танлов шартларига кўра, иштирокчиларнинг касб-ҳунар таълими доирасидаги изланишлари, миллий ғоя ва мафкура, ҳозирги замон педагогикасининг сир-асрорларини яхши билиши, давлат таълим стандартлари, янги дарслик ва қўлланмалар ҳақидаги мулоҳазаларига алоҳида баҳо берилди.

Танлов қатнашчилари ўз ишлари акс этган видео тасмалар ва ижод намуналарини ҳайъат аъзоларига тақдим этишди.

Кўрик-танлов ҳам академик лицей ўқитувчилари учун, ҳам касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун алоҳида йўналишда ўтказилди. Натижада академик лицейлар йўналиши бўйича Самарқанд кооператив институти қошидаги лицей-интернатнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Н.Очилова, касб-ҳунар коллежлари йўналиши бўйича Самарқанд банк коллежининг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Б.Абдурасуловлар ҳамкасблари орасида ғолиб бўлишиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритдилар.

Н.ШЕРБОЕВА

БУХОРОДА РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

Tadbir

Навқирон авлодни бозор муносабатлари талабларини англаган, тадбиркор муайян даражада иқтисодиёт алифбосидан хабардор руҳда камол топтиришда меҳнат тарбиясининг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурда "Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади", деб алоҳида таъкидланган. Бу борада аллақачон дастлабки қадамлар қўйилди. Эндиликда таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағ топишнинг турли шакларидан самарали фойдаланмоқдалар. Ҳозирга қадар Андижон, Фарғона ва Тошкент шаҳарлари халқ таълими муассасаларида маркетинг хизмати кўрсатиш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгашлари ташкил этилганлиги фикримизнинг далилидир.

Яқинда ана шу йўналишдаги навбатдаги тадбир Бухорода бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар халқ таълими тизими вакиллари иштирок этдилар. Семинар кенгаш "Бухоро вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли таълим муассасаларига ажратилган ерлардан самарали фойдаланиш омиллари" мавзуига бағишланганлиги бежиз эмас. Негаки, Бухорода вилоят ҳокимининг қарори билан 2001 йилдан бошлаб ҳар ойда ўтказилиши анъанага айланиб қолган "Мактаблар куни" муносабати билан мактабларга бир гектардан экиладиган ер майдони ажратиб берилган. Бу майдонларда асосан пахта, ғалла, қисман сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Олинган даромад болаларни бепул овқатлантириш, кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул дарсликлар олиб бериш, жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, пешқадам педагоглар, аълочи ва жамоатчи ўқувчиларни моддий рағбатлантириш, биноларни таъмирлаш сингари қатор ички муаммоларни ҳал этишда қўл келмоқда. Бу борада қилинаётган ишлар кўламини кенгроқ тасаввур этиш учун 2000 йилга қадар мактабларга ажратилган ер майдони вилоят бўйича атиги 3,5 гектарни ташкил этганлигини, "Мактаблар куни" бошлангач дастлабки йилда бу рақам 301, амалдаги йилда эса 394,6 гектарга кўпайганини улардан ўтган йили 77 млн. сўмдан кўпроқ даромад олинганини эътироф этиш кифоя. Бу йил дастлабки ҳисоб-китоблар мазкур ерлардан 100 млн.сўмдан ортиқ сармоя орттиришни кўрсатмоқда. Бир қатор таълим муассасаларида иссиқхоналар мавжуд. Уларда парваришланаётган помидор ниҳоллари, турли хил гул кўчатлари, лимон ҳам бюджетдан ташқари маблағ топишнинг ўзига хос сердаромад манбаи ҳисобланади. Мактаблар теварак-атрофидаги ер майдонларида терак қаламчалари етиштириб, сотишга эътибор кучайган.

— Бундан мактабларда сармоядан ташқари маблағ топиш масаласига эътибор кучайиб, таълим мазмуни ва сифати иккинчи даражали вазифага айланиб қолмоқда, деган фикрга бормаслик керак, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Салим Мухторов. — Тизимда маркетинг хизмати кенг йўлга қўйилиши давр тақозоси бўлиб, билвосита таълим савиясига ижобий таъсир этади. Педагогик жамоалар бозор иқтисоди имкониятларидан фойдаланиш, қисман ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ҳаракат қилсалар, ёшларимизда меҳнат қилиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, мустақил иш юритиш кўникмалари шакланиб боради. Бу жиҳатлар яхши таълим-тарбия билан уйғунлашган тақдирдагина ёшларимизнинг баркамол вояга етишишларига ҳисса қўшилган бўлади.

Семинар кенгаш иштирокчилари дастлаб жойларда бўлиб, ердан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар, улар бераётган самаралар билан яқиндан танишдилар. Бухорода бюджетдан ташқари сармоя топишнинг бошқа турлари, жумладан, тўгараклар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ҳомийлар билан ҳамкорлик қилиш борасида ҳам ибрат олса арзигулик ишлар амалга оширилаётганлигига амин бўлдилар. Шу муносабат билан ташкил этилган кўргазма ҳам меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди. Унда шаҳар ва туманлардаги мактаблар, маънавият ва қўшимча таълим марказлари томонидан яратилаётган маҳсулотлар намойиш этилди.

Тадбир кун тартибидаги мавзу муҳокамасига бағишланган йиғилиш ва секцияларга бўлиниб ишлаш билан якунланди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Эргаш Ёриев ўз маърузасида бухороликлар амалга ошираётган ишлар хусусида изчил таҳлиллар асосида батафсил тўхталди. Халқ таълими вазирлиги таълим жараёнини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Зокиржон Холматов, вазирликнинг маркетинг бўлими бошлиғи Ҳамидулла Даминов, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Файзулла Сулаймонов ва бошқалар ҳам сўзга чиқишди. Иштирокчилар шундан сўнг гуруҳларга бўлиниб, ўзаро батафсил фикр-мулоҳаза алмашдилар. Олган таассуротлари ва тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ДАЛОЛАТНОМА ТУЗИЛГАН ЭДИ, АММО...

Tashvishli holat

Хўжайли тумани марказидаги умуртқаси касал болаларни даволаш 6-республика махсус мактаб-интернатида 270 нафар ногирон бола даволанади ва таълим олади. Уларга 26 нафар ўқитувчи, 30 нафар тарбиячи, 4-5 шифокор, 17 ҳамшира хизмат қилади. Ошпазлар, фаррошлар, кир ювувчилар, қоровулларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда каттагина жамоа ҳосил бўлади. Махсус мактаб-интернатга Мапур Холмуротов раҳбарлик қилмоқда. У бизни қилинаётган ишлар ва бу ердаги муаммо, вазият билан таништирди.

Гап шундаки, бундан роппа-роса тўрт йил олдин, яъни 1998 йилнинг августида махсус комиссия томонидан мутахассислар иштирокида далолатнома тузилган ва ўқув корпуси фойдаланишга яроқсиз деб топилган ҳамда бошқа қўшимча объектлар капитал таъмирланиши зарур деб хулоса чиқарилган.

Дарвоқе, бундан 40 йил олдин фойдаланишга топширилган ўқув биносининг ғиштлари нураяпти, зах эса пойдевордан икки метргача юқорига кўтарилган, айрим жойларда девор ғиштлари 20 сантиметргача ичкарига томон ейилиб кетган, девор 8 сантиметр қийшайган, айрим жойлари ёрилиб кетган.

Хўш, шундоқ экан, болалар қаерда ўқишади, деган савол туғилиши табиий.

Маълум бўлишича, 270 нафар бола қўшни таълим-тарбия даргоҳида, яъни 4-кар ва заиф эшитувчи болалар республика махсус мактаб-интернати биносида ўқишаркан. Муаммо муаммони келтириб чиқаради: ахир, бу махсус мактаб-интернат биноси ҳам эскириб қолган-ку! Тўғри, 4-кар ва заиф эшитувчи болалар республика махсус мактаб-интернати учун янги бино қуриляпти. (Хўжайлида эмас, Нукусда!) Афсус, бу қурилиш йилдан-йилга туя гўшти еганидек чўзилиб кетаяпти.

Бизни таажжубга солган ҳолат шу бўлдики, наҳотки 4 йилдан буён авария ҳолатидаги махсус мактаб-интернатдан ҳеч ким хабар олмаса — ёрдам қўлини чўзишга интилмаса? Ҳолбуки, ушбу таълим-тарбия масканига "Турон" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси оталиқ ташкилоти сифатида биркитилган. Бу йирик корхонанинг ҳозирги иқтисодий аҳволи (пахта ва кунгабоқар ёғи ишлаб чиқаради) ногирон болаларга саховатпешалик кўрсатиб, ғамхўрлик қилишлари учун имкон бера олиши шубҳасиздир.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, халқ таълими вазирлиги, Хўжайли тумани ҳокимлиги ва оталиқ ташкилоти авария ҳолатидаги 6-ногирон болалар махсус-мактаб интернатини шу ҳолатда узоқ муддатга қолдириб қўймай, муаммони ечиш йўлини топадилар, деб умид қиламиз.

Ғойиб ЁҚУБОВ

Ta'kid

Ер юзида инсоният пайдо бўлгандан бошлаб она ва фарзанд бир-бирига жон ришталари билан шундай уланиб, боғланиб кетганки, уларни бирор-бир мавжудот, бирор-бир куч ажратолмайди. Чунки фарзанднинг 92 жон томири чилвирдек онага боғланиб туради. Зеро, бу боғловчи МУҚАДДАС МЕҲРдир. Меҳрнинг қанчалик қудратли куч эканлигини жуда яхши биламиз. Ахир бекорга донолар "дунёда меҳр билан қасосдан ўтадигани йўқ", деб таъкидлаб ўтишмаган.

Маълумки, фарзанд биринчи тарбияни онанинг иссиқ бағрида олади. У ўзига қаратилган эътибордан, эъзоздан руҳланади. Аҳамият берсангиз, гўдак қовоқларини солиб, сизга ўқрайганича қарамайди. Унинг нигоҳлари ҳар доим беғубор, нурли жавҳари ва барча одатлари болаликдан шаклланади.

Оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли, ҳаёт ҳақидаги тушунчалари юқори бўлса, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларига тарбия беришади. Шу орқали фарзандига шахсий таъсирларини ўтказади. Хусусан, фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, мукофотлаш, жазолаш, суҳбат ва фикр алмашиш каби доимий педагогик тарбия усуллари билангина эмас, балки шахсий намуналари, фарзанд билан биргаликда ишлаш, уни борган сари мураккаброқ ва албатта, фойдали бўлган фаолиятга тортиш орқали ҳам тарбиявий жараён давом эттирилади. Шуни ҳам айтиш мумкинки, бу ҳаётий тажрибалардан йиғилган намунавий таъсир ҳар доим ўз натижасини беради. Чунки болаларни тушуниш, ёш хусусиятларига мос вазиятларни билиш уларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг энг самарали усулидир. Бу айниқса турли даврларда аёлларнинг жамиятда ва оилада тутган ўрнида яққол намоён бўлади.

Ўрта асрларда аёллар йиғилишганларида дурдона асарларни, пурҳикмат ўгитларни ўқишган, шеърхонликлар қилишган. Бу ердан эшитиб ўрганганларини эса фарзандлари тарбиясида қўллашга ҳаракат қилишган. Худди шундай давраларда аёлларнинг ўтирадиган ўринлари ўстираётган фарзандлари мавқеи билан белгиланган.

Ҳозирда эса кўпчилик (ўзига яраша фозила аёлларни назарда тутмаяпмиз) аёлларимизнинг "боши бирикса" гап нима ҳақида кетишига ўзингиз кўп бора гувоҳ бўлгансиз. Назаримда бундай давраларни фақат моддий тўқчилик ушлаб тургандай. Бир йиғинда вазият тақозоси билан иштирок этиб қолдим. Дастурхон тўрида ўтирган Озода исмли аёл (мактаб директори экан) ўғлининг етти йилга "кесилганидан" хафа эмаслигини, қайтанга ўша жой унинг ақлини киритиб қўйишини гапирарди. Уни "оқлаш" учун кетадиган долларларнинг қанчалик меҳнат эвазига келишини барибир ўғли билмаслигини, унинг ўрнига энг сўнгги турдаги мебеллар тўпламини олгани фойдали эканлигини (!) ҳам ёнверидагиларга тушунтирарди. Тўғри, биргина бу аёл билан хулоса ясаш фикридан йироқмиз. Аммо ўша "гап" иштирокчилари бўлган ўқитувчи, шифокор, боғча мудираси бўлган ўндан зиёд ўқимишли (!) аёллар ўз ҳамроҳларининг юқоридаги фикрларига оз бўлса-да, эътирозларини билдиришмади. Пул билан "оқлаш" ноқонуний ҳаракат эканлигини, турганлигини яхши англаб етмоғимиз лозим. Чунки, "шиддаткор тарқалиш анъанаси" деб ном олган ён-атроф шароитининг салбийлашуви "бирники мингга, мингники туманга" тарзида ёйилаяптиким, бундай салбий ҳолатлар учун йиллар ёки асрлар эмас, кунлар ёки ойларгина кифоя қилиб қолаяпти. Худди шуни англаб етган ҳолда Ўзбекистон Республикаси "Оила" кодексида ўз ифодасини топган она ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлигини сақлашга доир махсус чора-тадбирлар кўриш, оналарга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари давлатимиз диққат марказида турибди.

Зеро, баркамол авлод орзусини рўёбга чиқариш йўлида қилинаётган ишларнинг дебочаси оиладан бошланади. Шу сабаб мустақил фикрли, саботли, иродали, интилувчан ёшларнинг улғайишида ота-оналар мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва бошқа ўқув даргоҳлари билан узлуксиз ҳамкорлик қилиб туради. Бундай ҳамкорлик бугунги кунда таълим тизими талабларида ҳам белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, оналарнинг фарзанд эртаси учун жиловбардор шахс сифатидаги хизматларига назар солганимиз ҳолда таъкидламоқчимизки, бугун ҳар бир ўзбек аёли гарданида миллий, шарқона маданиятни сақлаб қолиш ва уни янада юксак даражада замонавий асосларда ФОЗИЛ фарзандларга сингдириш турибди. Буни доимо ёдда сақлаб, амал қилмоғимиз яхши оқибатларга олиб келиши, шубҳасиз.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

ОЗОД ЮРТ ҒУНЧАЛАРИ

Сир эмаски, баркамол авлодни вояга етказишда мактабгача ёшдаги болаларни давр талаби даражасида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ижтимоий вазият жойлардаги таълим муассасалари зиммасига катта масъулият юклайди. Зомин туманидаги "Тинчлик" номли мактабгача таълим муассаси ана шундай масъулиятни ҳис этиб ишлаётган жамоалардан бири. Биз боғчада бўлганимизда, бунга яна бир карра амин бўлдик.

Боғча ҳовлисига киришингиз билан у ердаги тозалик ва тартиб-интизом киши эътиборини жалб этади. Тўқсон болага мўлжалланган боғчада кичкинтойларнинг яйраб ўсиши учун шароитлар етарли. Айни пайтда тўртта гуруҳдан иборат мазкур боғча асосан экология йўналиши бўйича иш олиб боради. Мактабгача таълим тизимида кичкинтойларни турли машғулотларда асосида тарбиялаш, уларнинг нутқини ўстириш, мактабга тайёрлаш ҳар жиҳатдан муҳим. Шу боисдан ҳам машғулотлар янги педагогик технология асосида болаларда ахлоқий ва маънавий тарбияни юксалтиришнинг содда ва самарали йўлларидан фойдаланиляпти. Айниқса, болаларга иқтисодий ва экологик тушунчаларни беришда ижодий ёндошилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Хусусан, тайёрлов гуруҳида иқтисод йўналиши бўйича машғулотлар олиб борилиб, унга 22 нафар бола жалб этилган. Ўрта гуруҳ эса экология йўналишига ихтисослашган. Бу гуруҳда 20 нафар бола тарбияланади. Боғчада тўгараклар фаолиятини жонлантиришга катта эътибор берилган. Ана шу мақсадда инглиз тили, жисмоний тарбия, меҳнат, мусиқа тўгараклари ишлаб турибди.

"Соғлом авлод" дастури ўтказилаётган асосида "Соғломжон полвонжон", "Ким эпчил, ким чаққон" мусобақалари ва халқ миллий ўйинлари, орқали миллий қадриятларимиз, ўтмишга ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, Ватанга муҳаббат ғоялари кичкинтойлар онгига сингдирилмоқда. "Биз қонунни ўрганамиз" мавзусидаги суҳбатлар эса болажонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳар бир болакайнинг мустақил давлатимиз рамзи бўлган герб, байроқ, мадҳиямизни билиши ана шу суҳбатларнинг амалий натижасидир.

Бу борада қилинаётган боғча ишларида услубчи Дилфуза Хотамова, тарбиячилар Манзура Муҳаммадиева, Гулноза Толипова, Умида Шарипова, Ҳилола Холмуродоваларнинг хизматлари катта.

Шунингдек, мазкур боғча қошида ташкил этилган хонадон боғчасига ўн нафар бола жалб этилиб, уларга инглиз тили ва рус тили йўналиши бўйича сабоқ берилаяпти. Инглиз тилидан Зилола Ўролова, рус тилидан Гулчеҳра Азимова болалар билан машғулотларни изчил олиб бормоқдалар.

— Боғчамизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида болаларни тарбиялаш учун ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратилган, — дейди "Тинчлик" муассасаси мудираси Дилбар Толипова.

— Мақсадимиз жажжи ўғил-қизларимизнинг муносиб фидойи ўринбосарлар қилиб тарбиялашга ҳисса қўшишдир.

Дарвоқе, болаларнинг севимли масканига айланиб қолган боғчада ташкил этилган "Парвоз" номли болалар ижодий гуруҳи айни пайтда туманда ўтказилаётган турли байрам ва тадбирларда ўзларининг концерт дастурларини намойиш этмоқдалар. Катта ва ўрта гуруҳ болаларидан ташкил топган ансамблнинг ёш ижрочилари шодон куй-қўшиқлари билан кўпчиликни ўзига мафтун этмоқда. Бу ерда тарбияланаётган ҳар бир ўғил-қиз ана шундай қизиқарли машғулотлар ва тарбиядан баҳраманд бўлишади. Зеро, уларни ҳақли равишда озод юрт ғунчалари деса, арзийди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

БЕФАРҚ БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

бўлади. Чунки, ҳозирча у дунёнинг энг тотли неъматлари бўлган она сутию меҳрдан баҳраманд. Катта бўлавергани сайин носамимий, нопок ишларнинг ҳам биз хоҳлаймизми-йўқми гувоҳи бўлади. Агар фарзандимизнинг иродаси метин, фикри теран бўлса бундай ҳолатлардан узоқроқ юришга, уларнинг нотўғрилиги хусусида фикр юритишга одатланади. Мабодо аксинча бўладиган бўлса, у ҳам бевосита "салбий олам" иштирокчисига айланиб бораверади...

Аслида эса ҳамма нарсани юзага келганидан сўнг эмас, олдини олиб иш тутадиган бўлсак, ҳаракатларимизнинг асосий қисми эзгу ишларни ривожлантиришга сафарбар этилади.

Шунинг учун ҳам, оила тарбияси энг муҳим ҳисобланади. Сабаби, доимий муҳит (оила)нинг одам табиатига мустаҳкам ўрнашиши, ҳар қадамда оилавий тарбия элементлари кузатилиши исбот талаб қилмайдиган ҳолат. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шахс руҳияти, маънавий савияси, ахлоқ фарзанд камоли ҳар қандай мебеллар тўпламидан устун туришлигини айтишмади. Унинг ўрнига Нигора опа (сотувчи экан): "Ўғлингизнинг гиёҳванд моддалар қабул қилаётганини билганингизданоқ олдини олмабсиз-да" дея билдирган муносабати: "Э, ҳозир ҳамма ёшлар шунақа, замонга қараб ўзгариб кетишаяпти. Ўзингизни бу гап билан доно кўрсатманг..." каби ҳар тарафдан ташланган луқмаларга сабаб бўлди. Бу ҳолатни қандай баҳолаш мумкин? Эҳтимол, маънавий фикрлашлари манфий бўлган ушбу аёлларнинг касбий фаолиятлари жамият учун қониқарлидир. Лекин, уларнинг ҳар бири ОНА. Уларнинг тарбиясида биз умид кўзини тикиб турган фарзандлар бор!

Сиз ҳам бугунги куннинг муҳити шундай деган хаёлга бораётгандирсиз. Лекин шу "муҳит"нинг объектлари ўзимиз эканлигимизни яхши тушуниб етишимиз, бунинг учун, аввало, ўз фарзандларимиз ва қолаверса, барча болалар тақдири учун жавобгарлик юкининг елкамизда эканлигини ҳеч қачон унутмаслик, ҳеч ким ва ҳеч нарсага ишонмаслик, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч нимани кутмаслик, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч нимани талаб қилмаслик, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч нимани ўрганмаслик, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч нимани ўйламаслик, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч нимани ўйлаб топмаслик, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч нимани ўйлаб топишга ҳаракат қил

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ авлодларимизнинг ўлмас мероси, айниқса, ўзбек миллатининг тарихи ва бугунги кундаги ўрни, миллий истиқлол, миллий ғурур ҳақида ўқувчиларнинг билимини ривожлантириш зарур.

Билмаслик ёки укувсизлик сабабли ёвузлик билан курашишдан воз кечишимиз асосида ўзимиз ҳам ёвузлик кенг тарқалишига имкон яратиб берамиз», дея жавоб берган экан.

“2002-2003 o‘quv yili — Xalq ta’limi tizimi muassasalarida metodik xizmat ko‘rsatishni takomillashtirish o‘quv yili”

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ШЎЪБА ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

(Давоми. Боши газетамизнинг 56-, 57-, 58- сонларда)

ОДОБНОМА

Бошланғич синфларнинг 1-4-синфларида ўқитилиб келинаётган “Одобнома” фанининг мақсад ва вазифаси юксак маданиятли, ахлоқли, юртпарвар, маънан бой, хур фикр соҳиби бўлган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Бу дарслар замирида халқимизга хос бўлган, фарзандларимиз билишлари ва амал қилишлари ҳам қарз, ҳам фарз бўлган бурч-вазифалар ҳамда фазилатлар ётади.

“Одобнома” дарсларини ўтиш ўқитувчидан чуқур билим, маҳорат, ижодкорликни талаб этади. Ҳар бир мавзуни ўтишда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган “Ҳадиси шариф” намуналаридан, жумладан, Имом ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрат”, Кайковуснинг “Жавоҳирнома”, “Ахлоқи муҳсиний”, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон ва Бўстон”, Жомийнинг “Баҳористон”, Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Ҳайрат ул-аброр”, Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, шунингдек, Фитрат, Чўлпон, Ажзий каби истиқлол фидоийларининг асарларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

“Одобнома” дарслари мавзуларига қараб, Президентимиз Ислом Каримовнинг барча асарлари ва нутқларидан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ҳамда моҳиятини, яъни асосий қонунимизни ўқувчилар қалбига сингдириш катта аҳамият касб этади.

Дарс жараёнида турмушдаги ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри амал қилиб келаётган оилалар ҳаёти билан таништириш, меҳнат ва уруш фахрийлари, ҳалол меҳнати туфайли элда обрў топган касб-ҳунар усталари, олимлар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш, табиат қўйнига сайр қилишга оид видеофильмлар кўриб бериш лозим.

Шўъба йиғилишига қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида ўзбек халқига хос шарқона ахлоқий фазилатларни шакллантиришда “Одобнома” фанининг ўрни.

2. “Одобнома” дарсларида миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш тажрибаси.

3. Мавзуларни ўқитишда миллий истиқлол ғояси тушунчаларини сингдириш, кўргазмали қуроллар ва тест саволларидан фойдаланиш.

4. Ҳадиси шариф, ўзбек халқ эртаклари, достон, ҳикоят ва ривоятлардан ўз ўрнида, оқилона фойдаланиш.

5. “Одобнома” дарсларини илғор педагогик технологиялар асосида ўтишни ташкил этиш иш тажрибасидан.

6. “Одобнома” фани ўқитилишида халқ педагогикасидан фойдаланишнинг аҳамияти.

ВАТАН ТУЙҒУСИ

“Ватан туйғуси” (5-6-синфлар) фанини ўқитишда ўқувчиларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзларига садоқат руҳида тарбиялаш асосий ўрин эгаллаши, уларда давлат рамзларига нисбатан бурч ва масъулият, ғурур ва ифтихорни шакллантириш лозим.

Ватан аждодлардан авлодларга қоладиган буюк саждагоҳ, энг азиз хотира экани, Ватан – ота-боболаримизнинг хоки-пойлари жо бўлган муқаддас замин, Ватан – бу она, Ватан – бу юрт, уни ардоқлаш, қўриқлаш, қадрига етиш ҳар бир йигит-қизнинг бурчи эканлигини тушунтириш, унинг шаъни ва қадрини ўз тақдири каби билиб, авайлаб асраш хусусиятларини шакллантириш керак.

Аҳмад Фарғоний, Мотурудий, Марғиноний, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий каби буюк аждодларимизнинг эзгу ишлари, кашфиётлари, комил инсон даражасигача босиб ўтган йўлларини мисоллар билан ўқувчиларга тушунтириш, уларнинг ҳаётий ва ижодий фаолиятлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтиш лозим.

Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомус эканлиги, унда халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданияти акс этиши модда ва боблар мисолида очиб берилмоғи мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи ўқувчилар онги ва қалбида “Ўзбекистон – ягона Ватан” деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантиришда Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маънавий соҳаларда эришаётган ютуқлари ҳамда жаҳон мамлакатлари орасидаги нуфузли ўрни ҳақида ўқувчиларга билим бериш, уларда Ватанимиз ҳақидаги дунёқараш ва тафаккурни шакллантириш лозим.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ авлодларимизнинг ўлмас мероси, айниқса, ўзбек миллатининг тарихи ва бугунги кундаги ўрни, миллий истиқлол, миллий ғурур ҳақида ўқувчиларнинг билимини ривожлантириш зарур.

Маросим ва байрамлар ҳам миллий мафкуранинг асосий ғояларини ўзида сингдирганлигига алоҳида эътиборни қаратиш керак. Жумладан, “Мустақиллик”, “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”, “Хотира ва қадрлаш куни” каби байрам ва маросимлар жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиши ўқувчилар дунёқарашига мос қилиб тушунтирилиши зарур. Энг асосийси, “Ватан туйғуси” фанини ҳар бир ўқитувчи чуқур билмоғи ва ўқувчи онгига етказмоғи зарур. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг раҳнамолигида миллий давлатчиликни ривожлантириш учун амалга оширилаётган ишлар, порлоқ истиқболни кўзлаган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий соҳадаги ислоҳотлар, буюк келажагимизга ишонч руҳида суғорилган миллий истиқлол ғояларини ўқувчилар қалбига сингдириш;
- Ўзбекистонда адолатли, ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти қарор топаётганлиги ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни ўқувчиларда шакллантириш;
- ҳар бир дарс машғулоти мазмунида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини аниқ, лўнда ифода этишга эришиш;
- она Ватанга бўлган муҳаббат, уни асраб-авайлаш, ардоқлаш руҳида тарбиялаш;
- ўқувчиларга Ватан туйғуси тушунчаларининг мазмун моҳиятини англатиш, Ватан ғурури ва ифтихори билан яшаш туйғуларини сингдириш;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларига содиқ бўлиш, юрт байроғини жаҳон узра янада баландроқ кўтариш, буюк давлатимизнинг қудрати ва шон-шуҳрати ниҳоятда кучли эканлигини ҳис этиш, унга муносиб фарзанд, баркамол авлод бўлиб ўсишга эришиш;
- ўқувчиларни она юрт тарихини билиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга эришиш.

Дарс машғулотининг тарбиявий мақсади ўтилаётган мавзунинг миллий истиқлол ғояси билан ривожлантиришга қаратилиши, ўқувчиларнинг Ватан ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ана шу асосда мустақил Ўзбекистоннинг баркамол авлоди бўлиб етишишлари билан узвий боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

5-6-синфлар “Ватан туйғуси” фанини ўтишда талабалар, аспирантлар ва маънавият масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар учун мўлжалланган А.Иброҳимов, Ҳ.Султонов, Н.Жўраев муаллифлигидаги “Ватан туйғуси” номли китобдан (“Ўзбекистон” нашриёти, 1996), Х.Султонов, М.Қаршибоев, Қ.Назаров муаллифлигидаги 5-6-синфлар “Ватан туйғуси” дарслигидан фойдаланиш мумкин.

Шўъба йиғилишида муҳокама ва мунозара учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Ватан туйғуси” дарсини ўтишда Президентимиз Ислом Каримов асарларидан фойдаланиш.

2. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи ҳақида.

3. Дарслик ва қўлланмалардан дарс жараёнида фойдаланиш.

4. Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомус эканлигини ўқувчиларга тушунтириш дарсларини ташкил этиш иш тажрибаси.

5. Миллий истиқлол ғояларини дарс жараёнида ўқувчилар онгига сингдириш усуллари.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

Умумий ўрта таълим мактаблари 7-9-синфлари учун тузилган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ўқув дастурининг асосий мақсади миллий истиқлол ғоялари, миллий мафкура тушунчаларини онгига сингдириб келаётган ёш авлод маънавиятини шакллантиришдан иборатдир.

Миллий истиқлол ғоясининг маъно-моҳияти, дунёдаги турли мафкуралар тарихи, бугунги кундаги мафкуравий курашлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган юксак фазилатлар, истиқлолга эришган она юртимизнинг асосий Қомуси ва унинг моҳияти, жамиятдаги ўрни, фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маънавиятини, инсоннинг Ватан ва халқ олдидаги бурчи, уларни асраб-авайлаш тўғрисидаги тасаввурини бойитиш фаннинг асосий мақсадидир.

Унинг асосий вазифаси эса ўқувчилар онгига маънавият, миллий ғоя, мафкура ҳақидаги содда тушунчалар, миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларини маърифий йўллар билан сингдириш, уларда юксак фазилатларни қарор топтириш, ғоявий дунёқараш ва эътиқод асослари ҳамда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ўқувчилар қалби ва онгида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймасликдан иборат.

Мазкур фаннинг асосий мақсади “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” учун руҳий маънавий куч-қудратга эга бўлган баркамол шахсни тарбиялаш, ўқувчилар онгида миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришдан иборатдир. Модомики шундай экан, мазкур фан “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани мазмунига мувофиқ қуйидаги вазифаларни бажариши зарур:

- ёш авлодда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;
- мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган фикрли, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;
- ёшлар фаоллигини оширадиган, иймон эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳит яратишга йўналтириш;
- ёш авлод тафаккурида ўзликни англаш, ўз тарихига садоқат, қадриятларимизни авайлаб-асраш, ватанпарварлик туйғуларини таркиб топтириш;
- ёш авлод онги ва қалбида “Ўзбекистон – ягона Ватан” деган тушунчани шакллантириш.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” (7-9-синфлар) фани ўқитувчилари таълим-тарбияга оид қуйидаги мавзуларда давра суҳбатларини ўтказишлари мумкин:

1. Янги ва мавжуд дарслик ҳамда қўлланмалар, дастурлардан дарс жараёнида фойдаланиш.

2. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанининг ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифалари.

3. Жамият режаси ва бунёдкор ғоялар.

4. Истиқлол ғоясининг тарихий илдизлари ва маънавий асослари.

5. “Ўзбекистон – ягона Ватан” ғояси.

6. Устозларимиз - фахримиз.

7. Қарияларимизни эъзозлайлик.

8. “Одобнома”, “Ватан туйғуси” ва “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” бўйича туман Методика уюшмаси ҳамда мактаб Методика бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш.

ТАРИХ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Ўқувчиларнинг ижтимоий онгини шакллантиришда тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари ўқув фанлари етакчи ўринни эгаллар экан, бу фанларни ўқитишда ўқитувчилар олдида ниҳоятда масъулиятли вазифа туради. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси халқи мустақил ҳуқуқий давлат ва демократик жамият барпо этаётган бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жиҳатларини тартибга солувчи қонунларни билиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолди.

Шарқнинг буюк донишманди Абу Али ибн Сино «Нега дунёда ёвузлик бу қадар кўп?» деган саволга: «Боиси сизу биздадир. Билмаслик ёки укувсизлик сабабли ёвузлик билан курашишдан воз кечишимиз асосида ўзимиз ҳам ёвузлик кенг тарқалишига имкон яратиб берамиз», дея жавоб берган экан.

Бугунги кунда мактабларда ҳар бир фан бўйича интерфаол методлардан фойдаланиш одатий ҳол бўлиб бормоқда. Ўқув жараёнини фаоллаштириш мақсадида шўъба йиғилишларида интерфаол методларни қуйидагича ташкил қилиш тавсия этилади.

Мавзу: Ўқувчиларга таълим бериш жараёнида фанга нисбатан қизиқишини ошириш.

Савол:

1. Мавзуларни ўзлаштиришда ўқувчилар қандай муаммоларга дуч келиши мумкин?

2. Юқорида қўйилган муаммонинг ҳал этилиши (йиғилиш иштирокчиларини гуруҳларга бўлиш мумкин. Ҳар бир гуруҳ ўз муаммоларини айтади ёки ёзма топшириқ беради. Ёзма берилган муаммолар кўпроқ натижа бериши табиий. Чунки, гуруҳлар бир-бирларидан бехабар тарзда муаммони танлайди):

— берилган муаммони умумлаштириш;

— муаммони далиллаштириш;

— қанча муаммо борлигини аниқлаш;

— муаммолар ичида энг долзарбини, ўқувчилар учун энг асосийсини танлаб олиш;

— муаммони ечиш йўлларини танлаш: баҳс, мунозара, дебат, ақлий ҳужум ва бошқалар.

3. Муаммоларни ҳал қилишда имкониятларингизни чамалаб кўринг:

- мен ўзим нима қила оламан ёки қила олмайман;
- муаммоларни ҳал этишда юзага келадиган камчиликлар, қарама-қаршиликларни топинг;
- уларни қандай ҳал қилиш керак;
- қўшимча тавсиялар ишлаб чиқиш лозим;
- дарслик, ўқув қўлланма ва дастурга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш таклифини бериш ва бошқалар.

4. Берилган таклифларни умумлаштириб ягона хулосага келиш.

Шўъба йиғилиши жараёнида ўқитувчилар билан мавзусида тренинг ўқуви ҳам ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади.

“Халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг роли” (машғулот ўйин орқали олиб борилади).

Ўйин ўтказиш шакли: Матбуот конференцияси тарзида.

Машғулотда ташқи ишлар вазирлиги, оммавий ахборот воситалари, телерадио компания вакиллари, газета ва журнал шарҳловчилари, сиёсий партия лидерлари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсатшунослар, ҳарбий мутахассисларнинг чиқиши орқали замонамизнинг муҳим муаммолари очиб берилади.

Машғулот сценарийсининг асосий мазмуни 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШдаги воқеалар, 5 октябрдаги Президентимиз Ислом Каримов баёнотидан кейинги воқеалар, бугунга келиб бу борада Ўзбекистон томонидан амалга оширган ишлар ҳақида бўлиши мақсадга мувофиқ. Масалан, машғулот мазмуни Ўзбекистоннинг Афғонистонда терроризм ўчоқларини тугатишда халқаро ҳамжамият давлатлари доирасидаги ишлари, афғон халқига кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамлари хусусида бўлиши мумкин.

Шўъба йиғилишининг тахминий мавзулари:

1. Тарихни янги педагогик технология аосида ўқитиш усуллари.

2. Ўзбекистон тарихига оид дидактик материаллардан ЭҲМ ёрдамида фойдаланиш.

3. Мактабда тарихий ўлкашунослик ишларини ташкил этиш.

4. Методика бирлашма ишларини диагностик таҳлил этиш.

5. Тарих фанидан ўқув ўйинларини ўтказиш.

6. “Инсон ва жамият” дарсларида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги ғоясини ўқувчилар онгига сингдириш.

7. Давлат ва ҳуқуқ асослари дарсларида қонун моддаларидан фойдаланиш.

8. Ҳуқуқий тарбияни юксалтириш борасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан ҳамкорлик.

9. «Сиз қонунни биласизми» танлови ва олимпиадага ўқувчиларни тайёрлаш тажрибасидан.

10. Тарих дарсларида курслараро боғланиш воситасида таълим самарадорлигини ошириш.

11. Дин тарихини ўқитиш.

12. Миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига сингдириш.

13. Тарих ва бошқа ижтимоий фан кабинетларини жиҳозлашнинг ҳозирги замон талаблари.

14. Тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари бўйича туман методика уюшмаси ҳамда мактаб методика бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш.

ГЕОГРАФИЯ

2002-2003 ўқув йилида география фанини ДТС ва ўқув дастурлари асосида қўйидагича ўқитиш белгиланган:

5-синфда — “Табиий география бошланғич курси” 34 соат.

6-синфда — “Материклар ва океанлар табиий географияси” 68 соат.

7-синфда — “Туркистон табиий географияси” (1-ярим йилда 34 соат), “Ўзбекистон табиий географияси” (2-ярим йилда 34 соат).

8-синфда — “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси” 68 соат.

9-синфда — “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” 68 соат.

10-синфда — “Амалий география” 68 соат.

География таълими ўқувчиларда табиат, ер ҳақидаги илмий дунёқарашни шакллантиришда, табиий, иқтисодий-ижтимоий билимларни таркиб топтиради. Дунё давлатлари, халқлари ва турли ҳудудлардаги жамият ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги, географик объект, жараён ва ҳодисалар ҳақида билим, кўникма ва малакалар беради. Ўқувчиларда умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлган географик маданиятни тарбиялайди.

2002-2003 ўқув йилидан бошлаб:

5-синфда — “Табиий география бошланғич курси” (П.Мусаев, А.Баҳромов, “Ўқитувчи”, 1999, 2000) ўқув қўлланмасидан фойдаланилади.

6-синфда — “Материклар ва океанлар табиий географияси” (А.Абулқосимов, “Меҳнат”, 2001) ўқув қўлланмасидан фойдаланиш мумкин.

7-синфда — “Ўрта Осиё (Туркистон) табиий географияси” (П.Ғуломов ва бошқалар, “Ўқитувчи”, 2001) ўқув қўлланмаси ва “Ўзбекистон табиий географияси” (О.Мўминов ва бошқалар, “Меҳнат”, 2001 йил) ўқув қўлланмасидан фойдаланилади.

8-синфда — “Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий географияси” (З.Акромов, П.Мусаев, “Меҳнат”, 2001) дарслигидан фойдаланилади. “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси” дарсларида республикамиз хўжалигидаги миқдор ва сифат кўрсаткичлар ўзгаришларини баён этишда Президент Ислом Каримов асарларидан, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан, Олий Мажлис сессияси материалларидан ўринли фойдаланиш тавсия этилади.

9-синфда — дастур асосида яратилган ва лотин алифбосида чоп этилган “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” (А.Қаюмов ва бошқалар, 2002) дарслиги ва методик қўлланмасидан фойдаланилади.

10-синфда — “Амалий география” курси бўйича режа асосида таълимни ташкил этишда “Амалий география” (А.Рафиқов ва бошқалар, “Ўқитувчи”, 2000) ўқув қўлланмасидан фойдаланилади.

География фани бўйича Республика Таълим маркази томонидан нашрга тавсия этилган синфлар бўйича географик атласлар ва контурли хариталар тўпламларидан таълим-тарбия жараёнида унумли фойдаланиш тавсия этилади.

География фанини ўқитишда қуйидаги картографик қўлланмалар ва хариталардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

4-синф учун “Табиатшунослик” географик атлас, ёзувсиз хариталар тўплами (Тошкент, ЎзГеодезкадастр, 2002).

5-синф учун “Табиий география бошланғич курси” географик атлас ва ёзувсиз хариталар тўплами (Тошкент, ЎзГеодезкадастр, 2002).

6-синф учун “Материклар ва океанлар табиий географияси” атлас ва ёзувсиз хариталар тўплами (Тошкент, ЎзГеодезкадастр, 2002).

7-синф учун “Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси” географик атласи ва ёзувсиз хариталар тўплами (Тошкент, ЎзГеодезкадастр, 2000).

7-8-синфлар учун “Ўзбекистон географик атласи”. (Москва, Дрофа. 1999).

8-синф учун “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси” атлас ва ёзувсиз хариталар тўплами (Тошкент, ЎзГеодезкадастр, 2000).

9-синф учун “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” географик атлас ва ёзувсиз хариталар тўплами (Тошкент, ЎзГеодезкадастр, 2002).

Деворий хариталар:

Ўзбекистоннинг табиий географик харитаси.

Ўзбекистоннинг сиёсий-маъмурий харитаси.

Ўзбекистоннинг иқлим харитаси.

Ўзбекистоннинг экологик харитаси.

Ўзбекистоннинг геологик харитаси.

Ўзбекистон аҳолиси харитаси.

Ўрта Осий ва Қозоғистоннинг табиий харитаси.

Дунё сиёсий-маъмурий харитаси.

Ўзбекистоннинг умумий иқтисодий харитаси.

2002-2003 ўқув йилида география таълимидаги ўзгаришларни инобатга олиб, ўқитувчиларнинг август кенгашларида қуйидаги мавзулар бўйича маъруза, тажриба алмашиш, баҳс ва мунозаралар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

1. 2001-2002 ўқув йилида география фани ўқитилишининг якунлари ва янги ўқув йилидаги вазифалар.

2. География дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.

3. География фан хонасига қўйиладиган талаблар ва уни жиҳозлаш бўйича тавсиялар.

4. География фани бўйича чоп этилган, фойдаланилган амалдаги ва янги дарсликлар, методик қўлланмалар.

5. География фани бўйича ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш.

6. География фанидан чоп этилган янги географик атласлардан ва ёзувсиз хариталаридан фойдаланиш тажрибасидан.

7. География таълими жараёнида миллий қадриятлардан фойдаланиш тажрибасидан.

8. География бўйича туман методика уюшмаси ҳамда мактаб методика бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

2002-2003 ўқув йилида “Иқтисодий билим асослари” 8-, 9-синфларда ДТС ва янги ўқув дастури асосидаги дарсликлардан ҳафтаси 1 соатдан ўқитилади.

Анъанавий август кенгашларида иқтисодий таълим йўналишидаги янгиликлар, ДТС ва дастурнинг жорий қилиниши, иқтисодиётни ўқитиш бўйича илғор ва чет эл педагогик технологияларини қўллаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилаётган янги авлоди ва амалдаги дастурдан фойдаланишга доир муаммоларни таҳлил ва муҳокама қилиш тавсия этилади.

8-синф учун “Иқтисодий билим асослари” дарслиги (Э.Сариқов ва бошқалар) Осиё ривожланиш банкининг “Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида яратилган бўлиб, унинг замирида интерфаол ўқитиш услуби ётади. Унинг мазмуни, материалларни бериш услуби, тизими бошқа амалдаги дарслик ва ўқув адабиётлардан тубдан фарқ қилади. Дарслик билан бир қаторда ўқитувчилар учун назарий ресурслар ва методик қўлланмалар нашрдан чиқарилди.

9-синф учун “Иқтисодий билим асослари” дарслиги (Э.Сариқов ва бошқалар) эълон қилинган танловда ғолиб чиққан бўлиб, янги ўқув йилига ўқитувчилар учун методик қўлланма билан биргаликда нашрдан чиқариб, тарқатиш режалаштирилган.

1-, 4-синфларда “Иқтисод алифбоси” курсининг ўқув материаллари она тили, ўқиш, математика, табиат фанлари таркибида, 5-, 7-синфларда “Иқтисод сабоқлари” ўқув курслари она тили, хорижий тиллар, математика, география ва меҳнат таълими фанлари таркибида, 10-, 11-синфларда амалдаги “Иқтисодиёт ва бизнес асослари” (Э.Сариқов ва бошқалар) алоҳида фан сифатида ўқитилади.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда 10-, 11-синфларда амалдаги дастур асосида, 8-, 9-синфларда эса янги ўқув дастурига мос ҳолда мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланилади. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар 10-, 11-синфларда “Основы экономических знаний” ўқув қўлланмасидан фойдаланилади. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи учун “Иқтисодий билим асослари” дарслигининг таржима вариантини 2002 йилда нашрдан чиқариш режалаштирилган.

Шунингдек, 6-, 9- синфлар учун “Ёшлар ютуқлари” ташкилотининг “Шахс иқтисодиёти”, “Бизнес муаммолари”, “Халқаро бозор”, “Иқтисодиёт мактаб ҳудудида” ўқув-методик қўлланмалари, “Макроленд” компьютер дастурлари ҳамда “Иқтисодий таълим Миллий кенгаши” томонидан нашр этилган тўпламлардан қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Шўъба йиғилишида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Иқтисодий билим асослари” фани бўйича ДТС, ўқув дастурининг жорий этилиши ва уни такомиллаштириш масалалари.

2. Иқтисодий таълим-тарбия беришда интерфаол методларнинг аҳамияти.

3. Иқтисодий таълим мазмунига миллий истиқлол ғоясининг сингдирилиши.

4. “Иқтисодий билим асослари” фани дарсларида Конституцияни ўрганиш.

5. “Иқтисодий билим асослари” фани дарсларида иқтисодий илмий мероснинг ўрни.

6. Иқтисодий таълимда интеграция масалалари.

7. “Иқтисодий билим асослари” фани дарсларида Президент Ислом Каримов асарларидан фойдаланиш.

8. “Иқтисодий билим асослари” фани дарсларини ташкил этишнинг ўзига хос томонлари.

9. “Иқтисодий билим асослари” фани бўйича оралиқ назоратларни ташкил этиш йўл-йўриқлари.

10. “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишдаги илғор тажрибалар.

11. “Иқтисодий билим асослари” бўйича туман методика уюшмаси ҳамда мактаб методика бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш.

(Давоми бор)

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Тили ривожланмаган элнинг, миллатнинг руҳида тараққиёт бўлмайди, ўзлигини тўла англолмайди. Ўша халқда номус ва ор ўғун қураш туйғуси сўнади.

"Отамнинг ўлишини билсам, йўҳ(672 грамм) кепакка сотиб ердим", "Онамнинг ўлишини билсам, бир қоп кепакка сотиб ердим" каби мақоллар ҳам ишлатиладики, мазмунан ва мантиқан мутлақо нотўғри.

САВОДСИЗЛИК ТАРҒИБОТИ

унга ҳар қадамда дуч келиш мумкин

Газетамизнинг шу йил 10 апрель сонида "АЕҚШ қандай ёзилади?" деб номланган мақола эълон қилинган, унда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини жорий қилишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида сўз юритилган эди. Афсуски, бундай камчиликлар ҳамон учрамоқда ва улар жуда кўп. Айниқса, ўша мақолада тилга олинган бир факт ҳамон диққат-эътиборимизда турибди. Гап Андижонда чоп этиладиган "Футбол express" газетаси ҳақида бормоқда.

Мақола эълон қилинганига уч ойдан ошдики, "Футбол express" вакиллари унга ўз муносабатларини билдиришмади. Ўзларини ҳақ деб билишган тақдирда ҳам мунозарага киришишлари, ўз фикрларини ҳимоя қилишлари лозим эди. Бу — ўзгалар фикрини менсимаслик, ўзига бино қўйишдан дарак бермаяптими?..

Ўз тилимизга ҳурматсизлик кўрсатишдан негадир ҳамон қутулолмаяпмиз. Лоқайдлик, эътиборсизлик билан муносабатда бўлинаётган жиҳатлар келажакда қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ғиж-ғиж хатолар билан берилаётган реклама матнлари, телекўрсатув титрлари, маҳсулотлар ёрлиқлари, газеталар номлари саводсизликни тарғиб этишнинг ўзгинаси эмасми?..

Ёзма ишда хато қилган ўқувчи муносиб баҳосини олади ҳамда уларни тузатиш, хатолар устида ишлаш учун мажбур қилинади. Янги алифбони жорий қилаётган корхона, муассаса, ташкилотларнинг эълон қилинаётган ёки тақдим этилаётган матнлари (реклама, ёрлиқ, кўрсаткич ва ҳоказо) ҳам тилшунослардан иборат махсус комиссия томонидан эксперт қилиниб, кейин истеъмолга чиқарилишини таклиф қиламиз. Акс ҳолда саводсизлик тарғиботи кучайса кучаядики, камаймайди.

Ушбу саҳифада жондек азиз тилимиз, ёзувимизга нисбатан ҳурматсизларча муносабат, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида яна бир карра мулоҳаза ва таклифлар билдирилмоқда. Мутасадди ташкилотлар, мутахассислар ва муштарийлар муносабатини кутиб қоламиз.

Тил нима? Уни одамлар қандай тушунадилар? Тилнинг ҳаётдаги ўрни нимадан иборат? Тил ҳақида донишмандлар турли хил фикр билдирганлар. Айримлар тилни тафаккур қуроли деса, яна баъзилар уни алоқа воситаси, дея эътироф этадилар. Ҳа, тилсиз фикр-тушунчани ифода этиб бўлмайди. Тилсиз ҳаётда ривожланиш йўқ. Ҳар қандай иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий омиллар тил орқали кечади, муомала воситасида ифодаланади. Бир сўз билан айтганда, тил — халқнинг тарихи, узоқ асрлардан буён босиб ўтган ва ўтаётган карвон йўлидир. Тили ривожланмаган элнинг, миллатнинг руҳида тараққиёт бўлмайди, ўзлигини тўла англолмайди. Ўша халқда номус ва ор учун кураш туйғуси сўнади.

1989 йилда тилимиз ҳақида Қонун қабул қилинган эди. Унга биноан она тилимизга давлат тили мақоми берилганди. Хўш, ўн икки ярим йил ичида нималар ўзгарди? Қонун ижтимоий ҳаётимизда қандай қўлланилаяпти? Тўғрисини айтиш керак, кейинги пайтларда қонундан четга чиқиш ҳолати тез-тез такрорланиб турибди. Айрим идора ва ташкилотларда рус тилига қайтиш сезилмоқда. Бу — кўпинча вилоятлар ташкилот ва корхоналаридан кўра, республика идора ва вазирликлари кундалик ҳаётида кўпроқ учрайди. Ҳар кунлик почта хизмати алоқалари, ҳужжатлар алмашиш ва оғзаки мулоқотлар ушбу тилда мукаммалроқ амалга оширилаётир.

Аммо, негадир, бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Катта қийинчиликлар билан қабул қилинган қонунимизга бу — ҳурматсизлик эмасми? Дарвоқе, тилимиз ҳақидаги Давлат Қонунидан бўлак, ҳаётимиз қомуси бўлган Конституциямизнинг 4-моддасида ҳам "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" дейилган-ку, ахир!

"Инсон ва қонун" газетаси таҳририятида ишлаган кезларимда кўплаб адлия ходимларининг, терговчиларнинг, судьяларнинг ажрим қарорлари, айблов хулосалари билан танишиб чиқардим ва газетага мақолалар тайёрлардим. Бироқ уларнинг қарорларини, прокурорларнинг норозилик протестларини, айблов хулосалари матнини ўқиб, пешонам тиришарди. Улар она тилимизни шу қадар бузиб, грамматик қурилишига эътибор қилмай ёзадиларки, ўқиб, нима бало, юристлар мактабда она тилини ўрганмаганларми, деб ҳайрон бўлардим. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирмоқчиман. 1997 йилнинг октябрида вилоят судининг судьяси Б.Суюнов раислигида кўрилган бир "жиноят иши" ажрим қарори шундай ёзилган:

"Аллаяров Н. узининг аризаси ва суддаги кўргазмасида ўзининг 1994 йил 21 февралдан Косон тумани "Кунгиртов" жамоа хўжалигига бошкарув раиси бўлиб тайинланганлигини ва шу вазифага 1994 йил 15 ноябрь кунига кадар ишлаб келганлигини, ўзининг шу иш даврида хужаликдаги барча соҳалар бўйича қишлоқ хўжалик пилонларини ортиғи билан бажарганлигини аҳолининг ижтимоий турмуш шароитини яхшилаш учун хўжаликда газлаштириш ишларига катта эътибор билан караб бу борада киска вактичида хужаликдаги Обдида кишлоги газлаштирилгани бошка сохаларда хам бир катор ишлар амалга оширилганлигини лекин шундай булсада баъзи вилоятдаги ва тумандаги рахбарларнинг конунсиз топшириклари бажармаганлиги туфайли улар узига хар хил тазйиқлар ўтказиб, 1994 йил 15 ноябрда узини конунсиз равишда уз вазифасидан бушатилганлиги, хаттоки хар хил асоссиз маълумотлар билан узига нисбатан тергов органи томонидан жиноят иши кузгатилиб, 1995 йил 16 мартда узини камокка олиб, 1995 йил 29 декабрга кадар камокда саклаганлигини, окибатда узини тергов орган УзР.ЖКнинг 149-модда 1-қисми, 155-моддани 2-кисми ва 130-моддани 3-кисми билан айблаб ишни судга утказганлигини, шундан сунг узининг жиноят ишини дастлаб Косон туман суди 1995 йил 15 сентябрда куриш ишни кушимча терговга кайтарганлигини кейин ишни тергов қилиниб тергов органи яна узини айблаб ишини судга утказиб, Муборак туман суди шуни 1996 йил 30 сентябрда судда куриб, узига 3 (уч) йил озодликдан махрум этиш жазоси тайинлаб, лекин республика Президентининг 1996 йил 7 августдаги амнистия ҳақидаги Фармонини куллаб, узини тайинлаган жазодан озод қилганлигини, лекин узи Муборак туман судининг чикарган хукимдан норози булиб, Узбекистон Республикаси Олий Суди раисининг келтирган протести билан жиноят иши Қашқадаре вилоят суди Раёсатида кўрилиб, Муборак тумани судининг узига нисбатан чикарган хукмини бекор қилиб, ишни вилоят судида 1997 йил 10 сентябрда курилиб, узини бу ишда айби булмаганлиги туфайли оклов хукми чиқарилганлигини, эндиликда узининг 1994 йил 15 ноябрдан ҳозирга қадар ишсиз юрганлиги, асоссиз равишда жавобгарликка тортилиб камокда бўлганлиги хамда конунсиз равишда судланганлигини туфайли узига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб бериш билан узини олдинги ишига кайта тиклашни сурайди".

Ушбу парчада бир хил сўзлар қайта-қайта ва ноўрин такрорланади. Жувоз ўқидай бир жойда айлангани-айланган. На вергулга, на нуқтага риоя қилинган. Бизнингча, мазкур қарор қуйидаги тарзда ёзилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди: "Аллаёров Н. судга берган аризаси ва кўргазмасида, 1994 йил 21 февралда Косон туман "Кўнғиртов" жамоа хўжалиги бошқарув раислигига тайинланганлигини маълум қилади. Ва у бу вазифада шу йилнинг 15 ноябрига қадар ишлаган. У иш даврида хўжаликда барча соҳалар бўйича режа ва топшириқларнинг ортиғи билан бажарилишини таъминлаган. Аҳолининг ижтимоий турмуш шароитини яхшилашга жиддий эътибор берган. Қисқа вақт ичида Обидийда қишлоғи газлаштирилган. Бошқа соҳаларда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Лекин, вилоят ва туманнинг баъзи бир раҳбарларининг ноқонуний топшириқларини бажармаган .Шу туфайли 1994 йил 15 ноябрда асоссиз равишда вазифасидан бўшатилган. 1995 йил 16 мартда қамоққа олиниб, шу йилнинг 29 декабригача ҳибсда сақланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 149-моддаси 1-қисми, 155-модданинг 2-қисми, 130-модданинг 3-қисми билан айбланиб, иши судга оширилган. Иш дастлаб Косон туман судида кўрилган. Сўнг суд ишни қайта терговга топширган. Кейинроқ "жиноят иши" Муборак туман судига оширилган. 1996 йилнинг 30 сентябрида Муборак туман суди ишни кўриб, Аллаёровни 3 йилга озодликдан маҳрум қилган. Аммо республика Президентининг 1996 йил 7 августдаги афви билан у қамоқдан озод этилган. Лекин Аллаёров Муборак туман судининг қароридан норози бўлиб, республика Олий Судига шикоят-ариза ёзган. Олий Суд протести билан иш Қашқадарё вилоят суди Раёсатида кўрилган. Муборак "туман судининг чиқарган ҳукми бекор қилиниб, у айбсиз деб топилган".

Бу сатрлар бировнинг устидан кулиш ёки мазах қилиш учун ёзилаётгани йўқ. Буни тилимизнинг софлиги учун қайғуриш маъносида тушунмоқ керак. Чунки жумлалар ғализ, тумтароқ тузилса(айниқса, жиноят ишлари кўрилаётганда ва қарорлар қабул қилинаётганда), матндаги маъно ўзгариб, турли хил сиёсий хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Зотан, ҳуқуқ посбонлари, адлия, прокуратура идораларининг ходимлари, судьялар инсон тақдири билан шуғулланаётганларида бунга ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари, тилимизнинг грамматик қурилишини чуқур билишлари лозим.

Биз ҳам шу тил билан дунёга чиқяпмиз. Ва шу тил билан бошқалардан ажралиб турибмиз. Шундай экан, авлодлардан-авлодларга мерос қоладиган бойлик ҳам тил. Она тилимиз бор экан, биз мангу яшаймиз. Ватан — тилимизнинг мукаммаллиги билан бус-бутун ва барҳаёт. Халқнинг умр ўлчови ҳам унинг тили ҳисобланади. Шу боис она тилимизни асраб-авайлайлик. Унинг сержило ранглари ва бўёқларидан баҳраманд бўлиш, тилимизга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Исмоил АМИРҚУЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқаро "Олтин мерос" жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлими ижрочи директори

ХАЛҚНИНГ УЛУҒ КАРВОН ЙЎЛИ

НЕГА ХАТО ҚИЛАМИЗ?!

1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Қарийб ўн уч йил ичида ўзбек тили яна ўз ҳолига қайтди ва кучли ривожланиш йўлига кирди. Тилимизнинг мукаммаллашиши, оммабоплашишида мактабгача таълим-тарбия, мактаб ва турли ўқув юртларининг ҳиссаси катта, албатта.

Аммо, ҳали-ҳамон ёзувларимизда имло хатолару эътиборсизликлар учраб туради.

Келинг, биргина идишлардаги ёрлиқларга назар ташлайлик.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Ҳожикент қишлоғида ишлаб чиқарилаётган "Хумсон" маъданли булоқ суви идишларида жуда кўп хатоларга йўл қўйиляпти. Корхонанинг манзилида "Hodjikent qishlog`i" деб ёзилган, ҳолбуки "Hojikent qishlog`i" деб ёзилиши керак. Кўриниб турибдики, бу рус тилининг таъсирида келиб чиққан хато. Чунки рус тилида "ж" ("жўжа"даги "ж" кўзда тутиляпти) товуши йўқ. Шунинг учун ўзбекча сўзлар рус тилида айнан келтирилганда, бу товушни "журнал" сўзидаги "ж"дан ажратиш мақсадида олдига "д" товушини қўшиб, "дж" тарзида ёзишади. Русча ўйлаб, ўзбекча ёзамизми?!

Яна бир нарса. Биз шу пайтгача бу қишлоқни "Хўжакент" деб билардик. Мантиқан ҳам бу "Ҳожилар қишлоғи" эмас, "Хўжалар қишлоғи" бўлса керак.

Маҳсулотнинг номи ёзилган жойда "Xumson" сўзи "Humson" тарзида хато ёзилган. Ҳолбуки, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида ҳам "h" — бошқа, "x" — бошқа товуш.

Сувнинг номи остида эса: "Kumushli Uzbekiston ma`danli buloq suvi", — деган ёзувни ўқиймиз. Биринчидан, "Ўзбекистон" сўзи "Узбекистон" бўлиб кетган. Иккинчидан, "кумушли Ўзбекистон" худди "қуёшли Ўзбекистон" дегандай маъно бериб қолган. Ҳолбуки, бу ерда сувда кумуш моддаси борлиги назарда тутилган. Шунинг учун бу икки сўзнинг ўрнини алмаштириб, мана бундай кўринишда ёзиш керак эди: "O`zbekiston kumushli ma`danli buloq suvi".

Бундай саводсизликлардан бошқа ичимлик сувларининг ёрлиқларида ҳам кузатишимиз мумкин. Тошкент вилоятининг Қибрай туманига қарашли Чимкент кўчаси, 1-уйда фаолият кўрсатаётган "M.A.X.Xuroson" хусусий корхонасида чиқарилаётган "Тошкент" маъданли сувининг ёрлиғида ҳам шу каби хатоларни учратдик. Биринчидан, корхонанинг номи нотўғри ёзилган. "M.A.X.Huroson" эмас, "M.A.X.Xuroson" бўлади. Иккинчидан, "narhi" эмас, "narxi" деб ёзиш керак эди. Учинчидан, "bulog" эмас, "buloq" бўлади.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Заркент қишлоғида ишлаб чиқарилаётган "Паркент" газланган булоқ сувининг ёрлиғида ҳам бир эмас, иккита хатога йўл қўйилган: "yaxshilaydi"ни — "yahshilaydi", "kelishilgan"ни — "qelishilgan" деб ёзишган.

Ҳар бир ёрлиқда икки-учтадан хатога йўл қўйилаверса, бу жуда ачинарли ҳол-ку!

Мақсадимиз — хатоларини топиб арз қилиш эмас, балки, мутасадди ташкилотлар раҳбарларини шунга ўхшаш ёрлиқлардаги ёзувларга синчковлик билан қарашга, бир маҳсулотни кўп-кўп нусхада сотувга чиқараётганда ёзувларни тилшунос мутахассисларга кўрсатиб олишга ундаш.

Ахир, бундай эътиборсизлик тилимизга беҳурматлик эмасми?

Тилга беҳурматлик — Ватанга беҳурматлик билан баробар-ку.

Шохрухбек ОЛИМ

ЯНА БИР МУАММО

Ҳозирги кунда шаҳримиздаги айрим идораларда ўзбек тилига берилаётган эътиборга диққатингизни қаратмоқчимиз.

Шаҳар эндокринологик диспансеридаги бир хона эшигига "Диабетик оёқ хонаси" деб ёзиб қўйилган. Шу ерда ишлайдиган ҳамшира — ўзбек қиз ва шифокордан бу нотўғри ёзилганга ўхшайди, деб сурасак, йўқ, тўғри, деб рус тилидаги нусхасини кўрсатди. Унда "Диабетическая болезнь стопы ноги" деб ёзилганини кўриб, ўз хатоларини тан олишди.

12-оилавий шифохона деворига осилган "Солиқни сақлаш вазирлиги" деган ибора ҳам мени ҳайрон қолдирди. Аслида эса "Соғлиқни сақлаш вазирлиги" бўлиши керак. Яна бир хато: "Жинсмоний тарбия" деган ибора ҳам бор, бу эса "Жисмоний тарбия" деб ёзилиши керак эди.

Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувида "КАРВОН" ЛТД. Узбекистон исроил қўшма корхонаси "АРОҚ ЖЕМЧУГ" деб ёзилган. Кирилл алифбосида ўзбек тилида "КАРАВАН" Жемчуг ароқ деб ёзилган. Бу иккита ёзув ҳам ўзбек тилида, лекин лотин ва кирилл алифбосида чалкаш қилиб ёзилган. Яна "Жемчуг" сўзи ўзбек тилида "Марварид, дур ва инжу" деган маъноларни англатади. Истеъмол маҳсулотига нега бундай ном ёзилган? Бу тилни билмаганликми ёки тилни масхара қилишми?

Агар идораларга назар ташласак, солиқ назорати идораларида қайси тилда ҳисобот варақлари ч о п этилганлигини, маъноси қандайлигини билиб бўлмайди. Таваккалига тўлдирилган варақа шундай бўлади-да.

Халқ банкларида, почта идораларида ҳам аҳвол шундай. Шифохоналарда таҳлил қоғозлари ҳалиям рус тилида ёзилади.

Шу йўсинда бораверса, республикамизда давлат тилини ривожлантириш, уни тарғибот этиш ва татбиқ қилиш ишлари ҳали анча вақтни талаб этадиганга ўхшайди.

Ҳасан Авшарли МУҲАММАДЁҚУБ ўғли,
Тошкент шаҳри Юнусобод тумани "Нуроний" жамғармаси ҳайъати аъзоси

Халқимизда чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин, деган мақол бор.

Бу мақолни эсга олишимизга сабаб бор. Бугунги кунда қаерга қараманг, кўзингиз реклама эълонларига тушади. Аммо, уларнинг кўпчилиги чет тиллардан таржима қилинган. Хўш, нима бўпти дерсиз? Гап шундаки, улар орасида чала думбул, оёғи осмондан бўлган таржималар кўп учрайди.

Енгил –елпи таржима хатоликларни, ғализликларни келтириб чиқаради. Худди ана шу нарса рекламалар таржимасида яққол кўзга ташланмоқда. Бирор бир тилда чала–чулпа гапиришни ўрганиб олиб, наридан-

ТЎҒРИ ТАРЖИМА ҚИЛИНСА...

бери таржима қилиш бу ҳали таржимонлик дегани эмас. Рекламалар таржимасини эса айнан шундай кишилар ўзбек тилига ўгирмоқда. Оқибатда эса бу таржималар ҳар икки тилни яхши билганларнинг кулгисигагина сазовор бўляпти, холос.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади кишида. Ўз маҳсулотини катта маблағлар эвазига реклама қилаётган тадбиркорлар яна озроққина эътибор билан таржима сифатига жон қойитишлари мумкин-ку!

Бу ҳолат бир қарашда, унчалик аҳамиятли эмасдай туюлади. Аммо охир-оқибат тилга бўлган бефарқлик маънавий таназзулга олиб келиши мумкин. Сиз нима дейсиз?

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

ЁЗУВДА ҲАМ МАСЪУЛИЯТ ЛОЗИМ

Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил аввал юртимизда TARONA REKORDS студиясининг ташкил этилиши барчани бир қадар қувонтирган эди. Ҳозирда хонадонларда, кўча-кўйда янграётган аудио тасмалардаги сифатли ёзувлар, албатта, студиянинг самарали хизматлари эвазига вужудга келмоқда. Бетакрор овоз соҳиблари бўлмиш санъаткорларимиз ҳам ўз қўшиқларининг тиниқ, жарангдор бўлиб, тасмаларга жойланаётганлигидан миннатдор. Бироқ, гўзал безаклар билан сайқалланган кассета қутиларидаги ёзувларни ўқиймизу, юртимизнинг деярли барча санъаткорларига хизмат қилаётган шундай катта ва таниқли студияда наҳотки битта саводхон киши топилмаса дея ҳайратланамиз. Чунки, республикамизнинг турли ҳудудларига минглаб нусхаларда ёзилиб, тарқатиладиган аудио кассеталар юзидаги қўпол имловий хатолар оддий мактаб ўқувчисини ҳам бефарқ қолдирмаслиги табиий. Мана, ўтган 2001 йилда деярли бир пайтнинг ўзида сотувга чиққан учта аудио тасма мисолида фикримизни далилласак. Шулардан бири Тоҳир Содиқов ва "Болалар" гуруҳи ижросидаги "Бахтли бўл" аудио альбомидир. Тасмадаги қўшиқлар рўйхати келтирилган ёзувлар орасидаги "Сенга боғланган қалбим" номли ашула сарлавҳаси кассета қутисининг ички тарафида бошқачаю, устки томонида бошқача ёзилган ва асосийси, ҳар иккаласида ҳам хатога йўл қўйилган. Биринчи шаклда қўшиқ номи "Сенга боғланга қалбим" тарзида ёзилган бўлса, иккинчи шаклда "Сенга боғланган қалди" тарзида учрайди. Ёҳуд "Ўзбекистон эстрада юлдузлари" туркумида яратилган Тоҳир Содиқов ва "Болалар" гуруҳи ижросидаги қўшиқлар рўйхатига тўхтасак. Бу ўринда "Нега сен кет дединг" номли қўшиқ "Нега сен кетдединг" шаклида, "Унутганим йўқ" номли ашула эса, "Унутканим йўқ" шаклида ёзилган.

Энди навбатдаги кассетада учрайдиган имловий хатолар ҳақида қисман сўз юритайлик. "Болалар шоу" номини олган бу аудио альбомдан жами 8 та қўшиқ жой олган бўлиб, рўйхатда уларнинг 6 таси номида имловий хатоларга йўл қўйилган. Фақат 2 та ашула номигина тўғри ёзилган,холос. Рўйхатдаги ёзувлардан айрим мисоллар келтириб ўтамиз. DJ Пилигрим — Сой бўйда (бўйида), Фазо — Югараман (югураман), Ш.Отабекова — Адашдин (адашдим), Болалар — Фақат иминг (фақат исминг), Шаҳзода — Карама (қарама).

Биз фақатгина 3 та кассетадаги хатолар хусусида гапирдик. Бундай кассеталар эса, эҳ-ҳе қанчадан-қанча.

Шунингдек, барча аудио тасма қутиларидаги ёзувларда умумий хатолар кўзга ташланади. Қўшиқ номи биргина сўздан эмас, бир неча сўздан иборат бўлса, ҳар бир сўзнинг бош ҳарфлари катта ҳарфлар билан ёзилган (Сенга Боғланган Қалбим шаклида).

Бу эса ўзбек тилининг имло қоидаларига мутлақо тўғри келмайди. Ҳатто ушбу ҳолат кассета юзида катта ва қалин ҳарфларда ёзилган альбом номларида ҳам учрайди (Бахтли Бўл шаклида). Албатта, студия буларнинг ҳаммаси шунчаки кўз илғамас кичик хатолар дея ўзини оқлаши мумкин. Бироқ, ўйлаб кўринг, 8 та қўшиқнинг рўйхати келтирилган кассетадаги 6 та ашула номидаги хатоларни қандай изоҳлаш мумкин? Наҳотки, аудио тасма сотувга чиқишдан аввал студиянинг бирорта кишиси ундаги ёзувларга шунчаки кўз ташлаб ҳам қўймаса. У ҳолда ҳамма ёқда жар солиб эълон қилинаётган, кўкларга кўтарилаётган, TARONA RECORDSнинг масъулияти қаерда қолди? Она сути билан халқимизнинг қон томирига сингиб кетган азиз тилимизнинг нотўғри ёзилишига қараб туравериш инсофданмикан? Зора, мақоламиздан сўнг, TARONA RECORDS студияси ўз хаталарини такрорламасликка ва ҳар томонлама мукаммал бўлишга ҳаракат қилса.

Фаррух БЎТАЕВ

МАҚОЛЛАРНИ БУЗМАЙЛИК!

Ўзбек тили мақол, ҳикматли сўз, ибораларга бойлиги билан бошқа тиллардан ажралиб туради. Аммо бу ибораларни ҳар вақт ҳам тўғри ишлатавермаймиз. Масалан, "Уста (устоз деб ҳам ишлатилади) кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" мақолини деярли ҳар доим хато ишлатамиз. Ш.Шомақсудов ва Ш.Шорахмедовларнинг "Ҳикматнома" китобларида берилишича, мақолнинг бу шакли мантиққа тўғри келмайди. Қандай қилиб уста(устоз) кўрмаган, унинг таълимини олмаган одам ҳар қандай мақом (куй, оҳанг) чалинса ҳам, йўрғалаб (ўйнаб, рақсга тушиб) кета олади? Ўтмишда ноғорачи ва доирачиларга шогирд тушган раққос ва раққосаларни ноғора ва доиранинг созларига ўргатардилар. Сўнг шогирдлар ҳар бир мақомнинг ўзига хос оҳангига монанд ҳаракатлар қилиб рақсга тушардилар. Европалик олим А.Вамберининг "Чиғатой грамматикаси" номли китобида (1867 йилда Лейпцигда нашр этилган) ушбу мақолнинг тўла ва мантиқан тўғри варианти учрайди: "Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, Уста кўрмаган шогирд андин-мундин қармалур". Дарҳақиқат, бирор куй чалинадиган бўлса, уста кўрмаган шогирдлар унга мос ҳаракат қилолмай, унда-бунда бир қармалиб (ҳаракат билан доира ясаб) кўяди. Ушбу мақолнинг бошқа вариантлари ҳам бор: Устоз кўрган — хат танир. Ўргатилмаган айиқ ўйнай олмас.

"Отамнинг ўлишини билсам, йўҳча(672 грамм) кепакка сотиб ердим", "Онамнинг ўлишини билсам, бир қоп кепакка сотиб ердим" каби мақоллар ҳам ишлатиладики, мазмунан ва мантиқан мутлақо нотўғри. Негаки, отаси ёки онасининг ўлишини билган ҳар қандай тошбағир одам ҳам бу ишни қилмайди. Бу мақол мажозан дурустроқ нарсамдан ажралиб қолишимни билганимда, уни бошқа бирор нарсага алмашиб, озроқ бўлса ҳам фойдаланиб қолардим, деган маънода қўлланишини назарда тутсак ҳам юқоридаги вариант нотўғри. Туркманлар орасида сақланиб қолган "Отимнинг ўлишини билсам тузга алмашардим" варианти тўғри, чунки отининг ўлишини билган одам уни арзон-гаровга сотиб, фойдаланишни ўйлаши, табиий. Ҳақиқатан ҳам от қаердаю, ота қаерда?

"Гап кўп — кўмир оз" мақоли ҳам нотўғри мақоллардан бири. Шоир Эркин Воҳидов шундай изоҳ беради. Асли бу мақол бундай бўлган: "Гап кўп-ку, умр оз". — Ку юкламаси умр сўзи билан қўшилиб, кўмир шаклини олган. Натижада шундай чуқур маъноли мақол таъсирчанлигини анча йўқотган.

Биз айрим мақоллар устида тўхталдик, балки яна қайсидир мақолларимиз бузиб ишлатилаётгандир? Абдулла Қодирийнинг "Халқ ҳикматлари — турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнғич ўғли" деган такрорланмас, гўзал ташбеҳини унутмасак, уларда асрлар давомида тўпланган катта ҳаётий тажриба ётганини ҳис қилсак, тилимизга беэътибор бўлмасак, мақоллардан ўз ўрнида тўғри фойдалансак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

Саҳифани Ҳусан НИШОНОВ тайёрлади.

Шўролар даврида биттта-иккита пулдорнинг фарзандини ёки қариндош-уруғини ўқишга киритиб, шундан мўмай даромад олган ўша хилдаги устозлар бугун адолатли тест синовларидан ўзларига манфаат топа олишмаяпти.

Ширингина набирам иккн ойлик ғақалоқлигида келинимнинг янги ўқув мавсуми бошланиб қолди. Менинг ҳам мактабда ишим тиғизлашган пайт...

Mulohaza

ТАЛАБАГА ТАЛАБ ТЎҒРИ ҚЎЙИЛСА...

Бир нуфузли даврада олий ўқув юртининг ўзича "улуғ" кекса олими университетнинг талабалари саводсиз, бойвачча, дарсга қатнашмайди ва ҳоказо тарзидаги маломатини бошлади. Унга коллеж ўқитувчиси қўшилди. Кекса бир ҳуқуқшунос уларни маъқуллай бошлади. Аммо мен чидаб тура олмай ёшларни, талабаларни ҳимоя қилдим. Ўша университетда мен ҳам дарс беришимни билиб, нафақадаги уч "ўрток" ғийбатни тўхтатди. Аслида бу машмашани бошлаган домла ўта таъмагир, талаба дарсга келса ҳам, ўқиса ҳам нимадир ундирмаса баҳо қўймайдиган киши бўлиб, унинг бу фазилатини талабалар билганидан машғулотига кам қатнашарди. Коллеж муаллими "фаолиятидан" ҳам оз-моз хабардор эдим. Менга алам қилгани, тилда диёнату адолатдан соатлаб маъруза ўқийдиган бу зотларнинг таъмагирлигигина эмас, балки бутун бир авлоднинг, талабаларнинг устига мағзава ағдариши эди.

Устоздек шарафли касб эгалари орасида ўз гуноҳини ёшларга ағдариш бор экан, бу фақат бир авлодни уқувсизликдагина айблаш эмас, балки тузумни, янги тарбия тизими, таълим жараёнини ҳам қоралашдир. Шўролар даврида биттаиккита пулдорнинг фарзандини ёки қариндош-уруғини ўқишга киритиб, шундан мўмай даромад олган ўша хилдаги устозлар бугун адолатли тест синовларидан ўзларига манфаат топа олишмаяпти. Аламини нимадан, кимдан олишни билмай, виждонини (бор бўлса) ютиб, кеча ўта оғир танлов — тест синовларидан ўтиб, ўз илми билан талаба бўлганларни саводсизликда айбламоқда. Айнан шундай домлалар талабанинг ҳар бир хатти-ҳаракатидаги ижобий томонларини эмас, балки арзимаган камчиликка йўл қўйишини, хато қилишини кутмоқда. Чунки кечикишнинг, дарс қолдиришнинг, машғулотга тайёрланмасликнинг "жазоси" бор. Гуноҳни ювиш учун талаба домла билан келишуви, битим тузиши лозим...

Олий ўқув юртидаги профессор-ўқитувчилар ва ёшлар муносабатидаги зиддиятлар, аниқроғи, домлаларнинг тазйиқи, зўравонлиги, улар зиммасига ғайриқонуний ва ғайриахлоқий топшириқлар юклаши, айрим газета-журнал саҳифаларида ҳам кўриниб турибди. Хусусан, "Ёш куч" журналининг 2002 йил 1-сонида эълон қилинган Фаррух Аҳмедовнинг (Тошкент кимё-технология институти талабаси) кичик бир мақоласидаги сатрларни келтирамиз: "Гап шундаки, ҳар сессия пайти домлалар биз талабаларга ўзларию таниш-билишларининг қаламига мансуб талай китобларни сотишади. Эшитишимизча, бундай китоблар сессияма-сессия навбат кутиб турар экан. Алам қиладиган жойи, ўзимиз учун керакли дарслик ва қўлланмалар ўрнига домлаларимизнинг сотувга чиқарса ҳеч ким қайрилиб қарамайдиган китобчаларини олишга мажбурмиз. Китоб — муқаддас. Ҳар икки гапнинг бирида буни бизга таъкидлайдиган домлалар мажбуран сотиладиган китоблар сотувини камайтиришса бўлармиди?".

Муаллифнинг фикрлари ҳақ. Бугунги кунда кўпчилик китоб ёзаяпти, ёзсин, ёзаверсин, ҳеч ким ёзишга, китоб чиқаришга қарши эмас. Аммо давлат нашриёти муҳрисиз, енгил-елпи китобларни талабалар сотиб олиши мажбурийми? У ёки бу манбалардан кўчирилган ёхуд қайта ишлаб муаллиф фикрича дарслик, ўқув қўлланма деб чоп этилаётган кўплаб китобчалар талабга жавоб берадими? Асло!

Талабаларга якуний назорат баҳосини чиқариш вақтида домлалар ғалвирни сувдан кўтарадилар. Имтиҳон ва синов баҳосидан умиди бўлган талаба 100 сўмлик рисолани 400-500, 500 сўмлик қўлланмани эса 1000 сўмга олишга мажбур. Агар бундан бош тортса, "қониқарсиз"лар сафига тушади. Кимлардир бу муаллиф китоб ёзмаса, китоб чиқармаса, нега маломат қилади, демасликлари учун айтиб қўяй, 20 дан ошиқ монография, рисола, илмий эссе, қўлланмалар чиқарган ҳолда савдоси билан қизиқмаганман, талабаларга тиқиштирмаганман ва шукрки, дўконларда ҳам қолиб кетмади.

Бизнингча, ҳар бир олий ўқув юрти ректорати талабани мажбурий, зарурати бўлмаган нашрларни олишдан озод қилиши учун назорат ўрнатиши лозим. Бунинг учун талабалар дардини тинглайдиган, эркин фикрини эшитадиган ва ректор, ректорат олдига уларнинг муаммосини қўя оладиган, масъул устоз, жонкуяр раҳбарлар керак.

Президентимиз ҳамиша фидойи ўқитувчилар, уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида йўл-йўриқ бериб келмоқда. Аммо ўқув муассасалари раҳбарлари, гоҳи таълим-тарбия соҳасидаги мутасадди ходимлар талантли, иқтидорли, ёшлар дилига ўзи ўқитадиган фани билан йўл топа олган профессор-ўқитувчилар фаолияти ва натижаларига етарли баҳо бермаётир. Масалан, ўқитувчилар аттестациядан ўтказилади, аммо унинг талаба орасида қанчалик ҳурмати, эътибори борлиги, етакчилик қилиш қобилияти қай даражада эканлиги баҳоланмайди. Ахир устоз шогирдлар билан руҳан яқинлаша олгандагина, илм берувчи ва уни қабул қилувчилар орасида илиқ иқлим юзага келгандагина дарс самарали, тарбия таъсирли бўлади.

Талабалар таълим тизимидаги ислоҳотларга тайёр, янгиликларга ўч. Аммо мураббийларнинг барчаси ҳам уларнинг интилиши, изланишига тайёр эмас. Бу турдаги устозлар учун талаба муте бўлиши, саволлар бермаслиги, эркин фикр билдирмаслиги, ноҳақликларга қарши бормаслиги шарт. Акс ҳолда талабани таъқиб қилиш, унга тазйиқ ўтказиш, гоҳ кафедрада, гоҳ деканатда қоралаш, бетгачопарликда айблаш, баҳо қўймай югуртириш ҳолатлари бошланади. Менимча, бу каби домлаларни таълимнинг ҳеч қайси босқичида сақламаган маъқул.

Талаба деган юксак қувончдан энтикиб ўқишга бел боғлаган ёшлар кўп ўтмай бизнинг тушунтиришларимиз, талабчанлигимиз, қатъиятимиз етмаганидан дарсларга кечикиб, гоҳо кетиб қолиб, қатнамай қўйиб асабимизга тега бошлайди. Ҳатто талабалар ректорат, деканат рухсатисиз гуруҳ-гуруҳ ҳолда байрамлар арафасида кетиб қолаётгани сир эмас.

Ёшларга ишончимиз, меҳримиз, муҳаббатимиз уларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларидан кўз юмиш, хатоларини кўрмаслик эвазига эмас, балки ўша камчиликларни уларга тушунтирган ҳолда эзгуликни сингдириш билан боғлиқдир. Биз мураббийларга уларнинг ишониши, эргашиши, тилимиз ва дилимиз бирлигига, субутимизга боғлиқдир. Ўқитувчи талаба меҳрини қозонса, у оғир дамларда ўзини қийнаган дардини айта олади, адашса йўл сўрайди, ишонадиган етакчи бўлмагандагина, хаёлига келган ишни қилади. Шу сабабли профессор-ўқитувчиларнинг талабалар билан ҳамкорлик, ҳамфикрлилик дастурини ишлаб чиқиш лозим. Ёшларнинг фан ўқитувчиларини танлаш ҳуқуқи ҳам ҳозир қоғозда қолиб кетмоқда. Улар қайси дарс самарали ёхуд юзаки ўтилаётганини ҳам айта олмайди. Айтганда тазйиққа учрашини билади. Шу сабабли улар сукут сақлашни афзал кўриб қолмоқда. Сукут эса боқибеғамлик, лоқайдлик иллатидир.

Мақолани бундан силлиқроқ ёзиш имкони йўқ. Чунки олий ва ўрта махсус ўқув юртларида эришаётган ютуқларимиз қанчалик кўп бўлмасин, талабаларга турли "солиқлар" солинаётгани, уларга нисбатан ноҳақлик қилинаётгани ҳам рост. Бундай ҳолат эса раҳбарларга ҳам аслида маълум.

Ҳамма ўзини, ўз соҳасини, иш жойини мақташни хуш кўради. Жумладан мен ҳам. Аммо мақтов эшитиш, эл назарига тушиш, юрт ишончини қозониш учун бегонани эмас, узоқ чет элликни эмас, ўз фарзандларимизни, ўз келажагимизни алдамаслигимиз, уларга хиёнат қилмаслигимиз керак эмасми?!

Абдиолим ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Қарши Давлат университети "Фольклор" илмий лабораторияси мудири

КЕЛИННИ АРДОҚЛАШ КЕРАК

("Маърифат" газетаси, 19 июнь сони. "Талаба қиз келин бўлса...")

Aks-sado

1975-79 йиллар оралиғида мен ҳам талаба бўлганман. Биз билан бир курсда келинлар ҳам таҳсил олишган. Тақдир тақозоси билан турмуш қуриб, фарзандларни вояга етказгач, мен ҳам талаба қизни келин қилмоқчи бўлдим. Бу қарорим йўлида бир амаллаб кўнмаган қудаларни ҳам кўндирдим. Тўй куни белгиланганида, мендан бахтиёр инсон йўқ эди, гўё. Ахир қизим йўқ деб, йиллар давомида қиз кутгандим. Мана, хонадонимга қиз боланинг қутлуғ қадами насиб қилди.

Қўшни хонадонда маъракада "Келин унаштирибсиз, муборак бўлсин!" дегувчилар кўп бўлди. Мен ич-ичимдан қувониб: "Раҳмат, яқинда тўйни ҳам бошлаб юборамиз" дея уларга миннатдорлик билдираман. Бироқ, даврадаги айрим "тили узун, кўнгли бузуқ" кимсалар ҳам ҳазил аралаш гап отишдан қолмади: "Ҳа қўшнижон, кўп ҳам қувониб, мақтанаверманг. Келин ҳали уйингизга келсин, эрта битта болалик бўлсин, кўрамиз ўшанда машмашани... Ҳали ишни қўйиб, невара боқасизми, ёки келинингизга ўқишнинг баҳридан ўтиши учун шарт қўясизми, буёғини вақт кўрсатади."

Мен бўлса уларнинг гапини писанд қилмагандек: "Бошга тушганни кўз кўрар" деганлар, бир амаллармиз, илло ўша кунларга етказсин", дея жавоб бердим.

Бироқ, тўйга қадар шу ҳақда анча ўйлаб юрдим.

Тўй-томоша ҳам ўтди. Келинимнинг "ой деса ойдек, кун деса кундек" чиройини кўриб, ҳамма қўшниларимнинг ҳаваси келди. У менинг "оёқ-қўлимга" айланди. Ҳовлимизнинг озодалигини айтмайсизми, ҳаммаёқ чинни-чироқдек. Келиним ҳар куни 25-30 чақирим йўл босиб, институтга қатнай бошлади. Ўқишни бирон кун қолдирмаслигини доимий назорат қилиб бордим. Қайнота-қайнона ўқимишли бўлса, келинни ҳам моддий, ҳам руҳий қўллаб-қувватлайди, деганларидек мен ҳам келинимга имкон қадар кўмак бериб боришга ҳаракат қилдим. Курс ва диплом ишларини ёзишда ҳам яқин маслаҳатдош, кўмакдош бўлишга интилдим.

Ҳа айтганча, тўйдан сўнг орадан бир йил ўтиб, келиним фарзандли бўлди. Ширингина набирам икки ойлик чақалоқлигида келинимнинг янги ўқув мавсуми бошланиб қолди. Менинг ҳам мактабда ишим тиғизлашган пайт... Келиним билан ўйлана-ўйлана набирамни овсинимнинг қарамоғига қолдиришга қарор қилдик. Барака топсин, илтимосимизни рад этмади. "Эл оғзига элак тутиб" бўлмаганидек, бу ҳаракатимиз ҳам бутун маҳаллада гап-сўзга сабаб бўлди. Бироқ, бу ғийбат узоққа чўзилмади. Тез орада келиним ўқишини тамомлади. Ҳозир қайнона-келин бир мактабда ишлаймиз. Мен мақола муаллифи Муҳаббат Тошмуродованинг "Ўқиб орзуларимга эришаман деган қиз талабалик даврида ҳеч қачон турмушга чиқмайди", қабилидаги фикрига мутлақо қаршиман. Буни ўз ҳаётий мисолларим билан юқорида исботлашга уриндим. "Қарс икки қўлдан чиқади" дейди доно халқимиз. Келинлар қайнота-қайнонани қадрласалар, улар ҳам келинини ҳурмат қилса, ўзаро инсоний муносабатларда юмшоқлик, меҳр-оқибат бўлса, барча орзу-умидлар рўёбга чиқади, албатта.

Шу ўринда икки оғиз ўз келинларига яхшиликни раво кўрмайдиган қайноналар ҳақида. Ахир амма-хола совчи бўлиб талаба уйига борганда, қизнинг онаси қанчалар қайсарлик қилса ҳам ҳаммасига рози бўлиб, кейин ўз билганини қилсалар. Қолаверса ҳалиям ҳаётимизда худбин, фақат ўзини, ўз фарзандининг роҳат-фароғатини ўйлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бировнинг орзу-умидлари, қолаверса озми-кўпми сарф қилган меҳнатларини оёқ-ости қилиб, талаба келинни ўқиётган олий-гоҳидан маҳрум қилиш, худбинликдан бошқа нарса эмас. Бу ўринда талаба келинларда ҳам шижоат, чаққонлик, зукколик каби хислатлар мужассам бўлиши керак.

Замира МУРОДОВА,
Ромитан туманидаги 26-ўрта мактабнинг директор ўринбосари

Kasb-hunar kollejlarida

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

— Муаттар опа, коллежингизга кираверишда абитуриентларнинг ота-оналари билан ўтказилажак умумий йиғилиш ҳақидаги эълонга кўзимиз тушди. Қабул масаласи ҳали аниқ бўлмаган пайтда, ёшларнинг ота-оналарини йиғишдан мақсад нима?

— Энг асосий мақсадимиз бўлғуси талабаларимизнинг ота-оналарини коллежимизда тайёрланаётган мутахассислик турлари билан яқиндан таништиришдир. Зеро, биз бугун касб-ҳунарга йўналтириш ишларини нафақат умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчилар билан, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам юргизишимиз зарур. Бундан беш йил илгари мамлакатимиз таълим тизимида тубдан ислоҳотларни бошлаб берган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини, уларнинг асл мақсадию вазифаларини, мазмун-моҳиятини ота-оналар онгига ҳам сингдириш, мазкур давлат ҳужжатлари ота-оналарга қандай вазифалар ва масъулиятларни юклашини кўрсатиб бериш айни пайтда ҳар бир таълим муассасаси, хусусан ҳар бир педагогнинг олдидаги долзарб вазифадир.

Кўп йиллик педагогик тажрибамга асосланиб айтишим мумкинки, айни пайтда ота-оналаримизнинг аксарияти таълим соҳасида рўй бераётган ислоҳотларни, ижобий ўзгаришларни чуқур англай олмаётир, жараённи таҳлил қилолмайдилар. Шунинг учун бўлса керак, жойлардаги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис марказлари бераётган тавсияномаларнинг аксариятида, биринчи галда, боланинг маълум бир касб-ҳунарга лаёқати, қизиқишию иқтидори эмас, балки ота-онанинг хохиш-истаги устуворлик қилмоқда. Қолаверса, айрим ота-оналар ўз фарзандларининг келажагига бефарқ қарамоқда.

Бу борада коллежимизда, мана бир-неча йилдирки, таълим муассасамизга ҳужжат топшириш истагида юрган йигит-қизларнинг ота-оналари билан ана шу тариқа яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб келаяпмиз. Анъанавий тус олган бундай йиғилишларда ота-оналар фарзандлари қандай даргоҳга келишаётир, қайси йўналишни танлашаяпти, бу ердаги мавжуд шарт-шароитлар қониқарлими-йўқми, ички тартиб-интизом қоидалари қандай, таълим-тарбия жараёни қайси усулларда ташкил этилади, ишлаб чиқариш амалиётини болалар қаерда ўтказади ва коллежни битириб чиққач, улар қайси корхоналарда ишлашлари мумкинлиги каби саволлар бўйича атрофлича маълумотга эга бўлмоқдалар.

— Машинасозлик йўналишидаги коллежга раҳбар бўлганингизга унчалик кўп вақт бўлмади. Аммо, шу қисқа вақт ичида педагогик жамоанинг кўзга кўринарли даражада ютуқлари бор экан. Бунга қандай эришдингизлар?

— Ҳақиқатдан ҳам мен бундан бир ярим йил олдин мазкур коллежга директор этиб тайинландим. Ёшлигимданоқ болаларга меҳрим бўлакча бўлганлиги боис, ёшлар билан ишлашни хуш кўраман. Янги жамоада ҳам ўзим билан ҳамфикр, ҳаммаслак касбдошлар орттирдим. Ва биз ишни дастлаб ободонлаштиришдан бошладик. Коллежнинг ташқи кўриниши, ҳовли ва атроф-муҳитга эътибор қаратиб, бутун коллеж жамоаси бир тану бир жон бўлиб ишга киришдик.

Коллежга олий таълим муассасаларини тамомлаган ёш, иқтидорли ўқитувчиларни таклиф қилдик. Таълим жараёнида ўқувчиларга дарс бериш усуллари, улар билан муомалада бўлиш ишларини кузатишга, доимо назорат қилиб боришга урғу бердик.

Таълим муассасамиздаги аҳволни тубдан ўзгартиришга ҳаракат қиларканмиз, аввало, қизларнинг кийиниш маданиятини эътибордан четда қолдирмадик. Калта, тиззадан баланд кийим кийишларга қатъиян чек қўйилди. Ҳамма бир хил — оқ-қора кийимга, яъни ўқувчилик либосига ўтди. Ўқув хоналарини замонавий компьютерлар билан жиҳозлаш, спорт анжомлари, амалий машғулот ускуналари билан таъминлаш ҳам амалга оширилди. Коллеж ошхонаси ишламай турганлиги боис ўқувчилар тўғри келган жойларда овқатланишар эди. Бундай аҳволни бартараф этиш учун ота-оналар билан маслаҳатлашиб, тез орада ошхона ишга туширилди. Коллежда қўшимча ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, ДАН ходими, автоуловларга сервис хизмати кўрсатиш йўналишларини очишга эришдик.

— Коллежнинг бу йилги битирувчиларига диплом топшириш маросими ноанъанавий турда ташкил қилинибдими?

— Дарҳақиқат, бу йил коллежимиздан 333 нафар талаба катта ҳаётга ўтчирма қилинди. Эътиборлиси, битирувчиларимиздан 59 нафарига коллеж дипломлари билан бирга меҳнат дафтарчалари ҳам топширилди. Шу куни 151 кишига эса қатор ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарида ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ ҳам чиқди. Демак, битирувчиларимиздан 70 фоиздан зиёди ўша пайтдаёқ иш билан таъминланди. Ҳозир 10 фоиздан кўпроғи олий таълим муассасаларида таҳсил олиш истагида бўлса, қолган 15-20 фоизи ҳам айни кунда ишга тўлиқ жойлашиб бўлди.

Битирувчиларга диплом топшириш тантаналарининг бир умр эсда қолишини ташкил этишда Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам берди. Туман ҳокимлиги ташаббуси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги сўлим гўшалардан бири — "Боғи Эрам" маданият ва истироҳат боғида битирувчиларимиз учун чиройли тадбир уюштирдик. Барча олам-олам қувончу шодлик билан қайтишди. Биласизми, дипломларни ўзимизнинг коллежимизда ҳам зўр тантаналар билан топширишимиз мумкин эди. Лекин, бу маросимнинг омма олдида, иш берувчи корхоналар вакиллари иштирокида ташкил қилиниши, унда саньаткорларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача файз киритар экан. Муҳими, бу тадбирни битирувчиларимизнинг ҳар бири ўзига кўрсатилган рағбат деб ҳам қабул қилишди.

— Ҳозир аксарият касб-ҳунар коллежлари таълим муассасасининг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, қўшимча даромад манбаларини топишаяпти. Бу борада коллежда аҳвол қандай?

— Талабаларимиз ишлаб чиқариш амалиётларини қатор корхоналарда ўташаяпти. Амалиётдан топилган маблағнинг 50 фоизи коллежнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади, қолган қисми эса талабаларнинг ўзларига берилади. Бундан ташқари, коллежнинг кичик устахоналари бор. Бу ерда халқ истеъмол моллари, қурилиш асбоблари, санитария тармоғи воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Коллежимизда мавжуд компьютер мажмуаси имкониятларидан фойдаланиб, пуллик компьютер саводхонлиги курсларини ҳам жорий қилганмиз. Масалан, бу йилги биринчи курс талабаларининг барчаси ушбу курсларда ўқишиб, иш билан таъминланишлари учун "Ўзқишлоқмашхолдинг" компанияси, "Дон-Нон" очиқ турдаги акциядорлик жамияти, "Тошкент трактор заводи" бирлашмаси, "Балт-Азия" қўшма корхонаси ҳамда қатор кичик ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномаларимиз бор. Талабаларимизнинг касбий тайёргарликлари яхши бўлганлиги боис, бу корхоналар амалиётчи битирувчиларимизни ўзларида ишга олиб қолишаётганлиги қувончли ҳолдир. Эндиликда туман суди, прокуратура ва ички ишлар бўлимлари билан ҳам шартнома асосида ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. Олдимизда турган энг долзарб масала — кўпроқ қўшма корхоналар билан ҳамкорлигимизни ривожлантиришимиз керак.

Маълумки, таълим муассасаси раҳбари қанчалик изланувчан, ташаббускор, тадбиркор, уддабурон бўлса, у раҳбарлик қилаётган жамоа фаолияти ҳам кун сайин ривож топади. Ушбу педагогик жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, аҳиллик, оқибатлилик эса уларнинг юксак мақсадлар сари дадиллик билан қадам қўйишларига мустаҳкам замин ҳозирлайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар бир раҳбарнинг иш фаолиятида бутун бир жамоанинг саъй-ҳаракатлари мужассам бўлиши лозим. Зеро, раҳбар ҳамиша жамоа юзи бўлиб келганлиги барчамизга маълум.

Бундан бироз йил муқаддам ўзбек қизлари ичида биринчилардан бўлиб кимё соҳаси бўйича ихтирочи унвонига сазовор бўлган, кимё фанлари номзоди, доцент, мамлакатимиздаги саноат, машинасозлик, энергетика, геодезия ва картография йўналишларидаги касб-ҳунар коллежлари директорларининг республика кенгаши раиси, айни дамда Мирзо Улуғбек машинасозлик касб-ҳунар коллежи директори лавозимида тинимсиз ишлаб келаётган, ўз ҳаётини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этган фидойи инсон Муаттар Азлярова ҳам ана шундай изланувчан раҳбарлардандир. Биз бу киши билан мулоқотда бўлдик.

— Ёшларни коллежга кўпроқ жалб қилиш мақсадида қандай тадбирлар ишлаб чиқилган?

— Биз бу борада атрофимиздаги барча мактаблар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини олиб бораяпмиз. Мактаб ўқувчиларининг коллежимизга саёҳатларини ҳам тез-тез ўтказиб турамиз. Ташриф давомида биз уларга замонавий техник воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналари ва лабораторияларимизни, ишлаб чиқариш устахоналаримизни кўрсатамиз. Саёҳат якунида давра суҳбати уюштириб, коллеж ҳаёти ва ёшларнинг танлаган касб-ҳунар турлари хусусида суҳбатлашамиз. Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, айни дамда жойлардаги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис марказларидан аксарият ҳолларда маркетинг, бухгалтерия, молия йўналишларига тавсияномалар кўпроқ келаяпти. Устахоналарда ишловчи чилангарлик, пайвандлаш каби мутахассисликларга эса тавсияномалар умуман кам, деярли йўқ деса ҳам бўлади. Ваҳоланки, бизникига ўхшаш машинасозлик, саноат касб-ҳунар коллежларида бу касбларни ўргатиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Масалан, биз механика йўналиши бўйича тайёрланадиган кадрлар учун ажойиб устахоналаримиз билан мақтана оламиз.

— Муаттар опа, коллежда бу йилги қабул жараёнида ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланилди, деб эшитдик.

— Мабодо сиз ўқишга қабул тўғрисидаги эълонларимизни олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, шаҳар эълонлари тахталаридан ташқари пойтахтимизнинг йирик-йирик бозорларига ҳам илганимизни назарда тутаётган бўлсангиз, бу рост гап. Дастлаб коллежга ҳужжат топширувчилар сони кам эди. Сўнг ана шундай ўзига хос усулдан фойдаланишга қарор қилдик. Натижа ёмон бўлмади: Отчопар бозоридан тортиб, Қўйлиқ, Олой, Юнусобод, Кадишев каби бозорлар атрофидаги мактаблардан ҳам талабгорлар кела бошлади.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, коллежимиз автотранспорт йўлидан бироз узоқроқ жойлашгани боис, 2 сентябрдан бошлаб метронинг "Буюк ипак йўли" бекатидан махсус "Икарус" автобусимиз талабаларимизга ҳар куни бепул хизмат кўрсатади. Хулоса қилиб айтганда, коллеж маъмурияти талабаларнинг замон талаблари даражасида таҳсил олишлари йўлида доимо изланишда.

Нурлан УСМОНОВ суҳбатлашди.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР!

Ҳаётингизда етук касб-ҳунар эгаси бўлишни истасангиз, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек машинасозлик касб-ҳунар коллежига

МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Коллеж янги 2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- ✓ Маркетинг;
- ✓ Механика йиғиш ишлари;
- ✓ Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш;
- ✓ Қандолат, нон-булка ва макарон маҳсулотларини ишлаш;
- ✓ Пайвандлаш;
- ✓ Бухгалтерия ҳисоби;
- ✓ Молия.

Юқорида кўрсатилган мутахассисликларга 2001-2002 ўқув йилида 9-синфни битирганлиги ҳақидаги гувоҳномасига эга бўлган ўқувчи-ёшлар танлаган касби бўйича қабул қилинади.

Ўқиш муддати 3 йил.

Бундан ташқари, коллежга 11 синф ҳажмидаги гувоҳномасига эга бўлган ўқувчи-ёшлар

- **Бухгалтерия;**
- **Ҳуқуқшунос-иқтисодчи**

йўналишларида кундузги (ўқиш муддати — 2 йил) ва сиртқи (ўқиш муддати — 2,5 йил) бўлимига пуллик тўлов-контракт асосида ўқишга таклиф этилади.

Мурожаат учун телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси, Гёте кўчаси 54-уй.
Транспортлар: 16, 21, 49, 63, 89-автобуслар, метронинг "Буюк ипак йўли" бекатидан 1-маршрутли такси қатнайди.
"Машинасозлик касб-ҳунар коллежи" бекати.

Оқ танли, қора танли, бугдой рангдаги боксчилар қаторида у ҳам Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш учун майдонга тушди.

Бу ўйин танага куч бағишлаш, зийраклик билан тезкорликка ривож бериш, сезги аъзолари фаолиятига кучланиш бериш вазифасини бажаради.

ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИГА ҲУЖУМ

Би-Би-Сининг хабар беришича, Қобулда ҳукумат вазирларига нисбатан суиқасд қилишга уриниб кўрилган. Махсус хизмат ходимлари террор актини амалга оширмоқчи бўлган кишининг машинаси авариясга учрагач, уни ҳибсга олишган. Ҳозирда террорчининг шахси айтилмаётган бўлсада, у ҳукумат аъзолари чиққан машиналар кортежини портлатмоқчи бўлганлиги аниқ. Унинг машинасидан эса портловчи моддалар ва бир нечта автомат топилган. Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача Афғонистон ҳукумати аъзоларидан 2 нафари суиқасд қурбонлари бўлишган.



ИРОҚ МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

АҚШ давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Марк Гроссман ва мудофаа вазири ўринбосари Дуглас Фейтлар август ойида Вашингтонда Ироқ мухолифат кучларининг 6 нафар етакчиси билан Саддам Ҳусайн тузумини ағдариш ва Ироқнинг келажаги борасида музокаралар ўтказадилар.

Гарчи ҳозирда АҚШ ва Буюк Британия самолётлари Ироқ истеҳкомларига ҳужум уюштираётган бўлсаларда, Пентагон ташкилоти раҳбарининг фикрича, биргина ҳаво ҳужумлари билан Ироқдаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиб бўлмайди.

ТАБИИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Синьцзян-Уйғур автоном туманида юз берган сув тошқини оқибатида 11 киши ҳалок бўлган. Бир ҳафтадан буён ёғаётган ёмғир ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги экинларини вайрон этиш билан бирга, 10 минг кишининг осуда ҳаётига путур етказган. Табиий офатнинг ҳозиргача келтирган зиёни 2 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳукумат мазкур автоном туманда фавқулодда ҳолат эълон қилиб, сув тошқинига қарши курашмоқда.

ТЕРРОР БЎЛИШИ МУМКИН

Гудермес шаҳрининг хавфсизлик ҳолати кучайтирилиб, шаҳардаги давлат муассасалари террор ҳуружи бўлиши борасида огоҳлантирилган. Шаҳар ички ишлар бошқармасининг маълум қилишича, Шамил Басаев жангарилари Гудермесда терактлар уюштиришни режалаштирганлар. Бир ҳафта олдин араб журналистларига интервью берган Шамил Басаев ҳамда Аслан Масхадовлар Шўро ҳарбий қўмитасини тузишганини маълум қилган эдилар.

ПОЕЗД ҲАЛОКАТИ

Вашингтондан 15 километр шимолий узоқликда жойлашган Мэриленд штатида "AMTRAK" компаниясига қарашли йўловчи поезд кетаётган вақтида рельсдан чиқиб, унинг 11 вагони ағдарилиб кетган. Жабр кўрган 90 кишидан 30 нафарининг аҳволи оғир ҳолатда бўлиб, ҳозир улар шифохонага ётқизилганлар. 200 нафардан ортиқ йўловчи ва 12 нафар темир йўл компанияси хизматчилари кетаётган поезд ҳалокати сабаблари ўрганилмоқда.



БМТ: КИМ АЙБДОР?

БМТ вакиллари Афғонистонда Америка вертолётининг хатоси туфайли юз берган нохуш воқеага аниқлик киритмоқдалар. Афтидан, америкалик ҳарбийлар фожеанинг аниқ сабабларини яширмоқдалар. Қўшма Штатлар вакиллари бир нечта версиялар айтаётган бўлиб, улардан бирида, қишлоқда "Толибон" раҳбарларидан бири яширинганлиги қайд этилган. Эслатиб ўтамиз, 1июль куни АҚШ вертолёти Дех Равуд қишлоғида бўлаётган тўй маросимига адашиб бомба ташлаши боис, элликдан ортиқ киши қурбон бўлган эди.

"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида тайёрланди.

Milliy o'yinlar

ОЙ ЁРУҒИДА ЎЙНАЛАДИГАН ЎЙИН

Қоронғулик тушиши билан ой ёруғида ўйналадиган бу "оқ суяк" ўйинида иштирокчиларнинг барчасига биттадан кўз бойлағич, молнинг (қўй, сигир, отнинг) курак суяги керак бўлади. Ўйин 10-15 метр кенгликда, шунга тенг узунликдаги қисман ўтлар ўсган, қисман яланғоч, ола майдонда ўйналади.

Қуръа ташлаш билан ўйин бошловчи дастлабкисидан то (1 дан 10) охирги ўйинчигача оқ суякни отувчилар аниқланади. Суякни отиш рақами ўйиннинг охиригача жамоа аъзосининг фаолият белгиси бўлиб қолади. Бошловчи ўйин иштирокчиларининг рақамини — унинг отини пухта билиб олиши зарур.

Ўйин бошланишида оқ суякни биринчи бўлиб отувчи, бошловчи билан биргаликда 2 дан 10 гача рақамли ўйинчилар кўзини бойлаб, майдоннинг тескари томонига қараб туришга тайёрлайдилар. 1-рақамли бола оқ суякни отади. Отувчи бу вазифани ижро қилишда қуйидаги шартларга риоя қилиши шарт:

1. Суяк майдон сатҳининг 5-10 метр олислигига учиб бориши, учиш баландлиги 10-15 метр бўлиши зарур.

2. Кўзи бойланганлар бошловчи оқ суяк ерга тушиши билан овоз чиқаргунча тўла тинчлик сақлашлари керак. Бошловчи даъвати билан жамоанинг кўзларидан боғлагич ечилади. Ҳеч ким бир-бири билан гаплашмайди, ўзаро ишора алмашмайди. Оқ тош тушганда тарқалган овоз томонга ҳар кимнинг ўз сезги аъзолари етказган йўналишда югуриб кетадилар. Ким оқ тошни биринчи бўлиб топса, ўша маррадан хабар беради: 6-рақамли тошни топди. Бошловчи ушбуни қайд қилади, 6-рақамли ўйинчига 5 очко берилади.

Отиш навбати 2, 3 ва бошқа ўйин иштирокчиларига келади ва ҳоказо.

Агар отилган оқ суякни қидириш чўзилиб кетса, вақтни кўп олса, жамоанинг кўпчилигининг розилиги билан оқ суякни қидиришга уни отган ўйинчи ҳам жалб қилинади. Бундай қидирув ҳеч кимга очко келтирмайди. Бу ўйин ҳар икки оёқ билан оқ суякни қидиришда сезги аъзолари ишининг тиниқлиги, отилган суякнинг ерга тушгандан кейинги ҳаракат йўналишини тасаввур қилиш, бунда тақир—ўт ўсмаган ер ёки аксинча, ўтли ердан қандай уни излаш йўлларини ўйлашни ва тажрибани талаб қилади. Оқ суякни овозга қараб илғаганда адашмай топиш эшитиш сезгисининг яхши ишлашидан гувоҳлик берса, қулоқ юборган хабардан аниқ йўналишни аниқлаш зийраклик аломатидир.

"Оқ суяк" болалар ва катталар учун ўйин. Ўйин бўлганда ҳам ўз-ўзини синаш, ҳаракатларини таҳлил қилиш, натижаларидан хулосалар чиқариш дарсидир. Оқ суяк ўйини натижаларини биргаликда таҳлил қилиш шуғулланувчиларга ўз-ўзини билиб олишда катта ёрдам беради. Шунингдек, сезги органлари фаолиятини қўзғатиб, уни пухта ва тиниқ англаб, мияга хабар беришига кучланиш беради. Инсоннинг кучи, тезкорлиги, ақли, ҳаракатларининг аниқлиги, чидам-сабру бардоши ва бошқа сифатлари қўзғатишга, тарбиялашга муҳтож хосият. Қанча ишлов берилса, шунча юқори босқичга кўтарилади.

Агар ойдин кечаларда дўсту биродарлар бирлашиб, бир-икки соат очиқ ҳавода ўзаро бир-бирларига янги куч, ғайрат, қўшимча тезлик бағишласалар, юқори босқичга кўтарилиш замини яратилади.

Оқ суяк ўйини якунида уч-тўрт доира ўйинига якуни чиқарилади: 1-рақамли бола бир марта суякни топди. 2-рақамли—3, 3-рақамли—0, 4-рақамли—1, 5-рақамли—2 марта, 6-рақамли—5 марта, 7-рақамли—2, 8-рақамли—1, 9-рақамли— 1 марта, икки ўйинда суякни отган бола бирлашиб, излаб топдилар.

Бу ўйин танага куч бағишлаш, зийраклик билан тезкорликка ривож бериш, сезги аъзолари фаолиятига кучланиш бериш вазифасини бажаради.

Бир қарашда оддий ўйин билан бошланган сезгиларни ўстириш, чуқурлатиш ўйини яқин келажакда меҳнат, илм, ишбилармонлик, спортда мамлакатимиз фахри бўлиб етишадиган фарзандларни вояга етказишга омил бўлади, деб ўйлаймиз.

Ф.НАСРИДДИНОВ,
Ш.ТЎЛАГАНОВ

КАТТА РИНГДАГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК

Xushxabar

Рингга тушган боксчиларнинг юзига боқканмисиз? Шижоат, куч-қувват ёғилади, мускуллари тердан, ҳорғинликдан ялтирайди. Боксчи рақиби билан олишиб, ғалабани қўлга киритиш учун неча бор машқ қилган, неча бор "калтак" еган, неча бор йиқилган. Унинг Майк Тайсон, Леннокс Люьис, Артур Григорян сингари бокс юлдузларига болаликдан ҳавас қилгани, улардай бўлишга интилганининг бугун "мева"ларини татиш насиб этмоқда. Боксчининг дастлабки машқлари хом, пишмаган эди. Ҳаттоки, илк бор чарм қўлқоп кийиб, рақиб билан эмас, балки машғулот залида осиб қўйилган қопга қарши ўйнаганда ҳам вужудини ички бир ваҳм эгаллаб олган эди. Тренерлар биринчи машғулотлар учун бежизга шундай қопни осиб қўйишмас экан. Чунки бўлғуси боксчи рақиб билан курашишга ҳам жисмонан, ҳам руҳан ўзини ана шундай қоп қаршисида тайёрлаб борар экан.

Шу тариқа Беҳзоднинг маҳорати шакллана бошлади. У мактабдан ташқари ҳолатда бокс тўгарагига қатнашар, хаёлан гоҳ чемпион, гоҳ мағлуб бўлар, аммо билардики, ғолибликни қўлга киритишдаги курашларда боксчи ҳар қандай ҳолатга тушиши мумкин. Яна шуниси ҳам борки, йиқилган курашга тўймайди.

Беҳзод Хидиров Тошкент шаҳридаги 24-мактабни битиргач, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг бокс йўналишига талабаликка қабул қилинган эди. Ана буниси бутунлай бошқача дунё! Институтдаги бокс зали, тренерларнинг куйди-пишди ҳаракатлари! Айни пайтда назарий билимни эгаллаши учун зарурий шароитларнинг барчаси муҳайё. Шунча шароитга яраша шуғулланмаслик, ўқимаслик уят! Айрим талабаларнинг номақбул хатти-ҳаракатлари Беҳзод Хидировда шундай фикр уйғотарди.

1999 йилдаги республика ёшларининг 2001 йилдаги катталар чемпионатида 50-52 кг вазн билан иштирок этган ва ғолибликни қўлга киритган Беҳзод Хидиров бу йил не бир ҳаяжонда, иккиланганнамо Малайзияга учди. Бу давлатда ўтказилган Осиё чемпионатига дунё миқёсида катта рингларга чиқиб юрган боксчилар "оқиб" келишган эди. Ҳаммаси чемпионликка даъвогар, ютқазишни ўйлашмайди.

... Беҳзод Хидиров рингда. Оқ танли, қора танли, бугдой рангдаги боксчилар қаторида у ҳам Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш учун майдонга тушди. Ярим финал босқичида у таиландлик рақиби Шоти Патни "ер тишлатди". Катта ринг, минглаб томошабинлар, олқиш ва ҳуштак овозлари...

... Беҳзод Хидировнинг муваффақияти Ўзбекистонда шов-шув бўлиб кетди. Айниқса, тренери Ҳабибулла Усмоновнинг боши осмонда. Артур Григоряндек яна бир боксчи. Ахир бундай ғалабадан қалб фахр-ифтихорга тўлмай бўладими?

У "Ўзбекистон ифтихори" деган фахрий унвонни олганлар рўйхатида турибди. Тагида Президент Ислом Каримов имзоси. Бундай шон-шарафга унча-мунча одам лойиқ топилавермайди. Талаба Беҳзод Хидиров эса унга ҳар жиҳатдан муносиб.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА



РИВАЛДОНИНГ ЯНГИ ЖАМОАСИ

Бу йил Осиё қитъасида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Бразилия терма жамоасининг шоҳсупага кўтарилиб, олтин кубокни қўлга киритишида жамоа ҳужумчиси Ривалдо ҳам салмоқли ҳисса қўшгани футбол мухлисларига аён. Ўтган ҳафтада Ривалдо Италиянинг "Милан" клуби билан 3 йилга шартнома тузган бўлиб, эртага у ўзининг янги жамоасига келиб қўшилади. Гарчи шартнома баҳоси айтилмаётган бўлсада, аммо, бир неча Италия нашрларида Ривалдо йилига 4,5 миллион евро олиши ёзилган.

КИМ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА

"Спорт-экспресс"нинг маълум қилишича, АТР йўналиши бўйича профессионал теннисчиларнинг янги рўйхати эълон қилинди. Унда 1-ўринни австралиялик ракетка устаси Ллейтон Хьюитт эгаллаган бўлса, россиялик теннисчи Марат Сафинга 2-ўрин насиб этди. 3-ўрин эса испаниялик Альберто Костага лойиқ топилган бўлса, 4 ва 5-ўринларни Буюк британиялик Тим Хенман ҳамда америкалик Андре Агассилар эгаллашди.

ЖОРЖ БУШ ОЛГАН СОВҒАЛАР

Совға инсонга бўлган ҳурмат-эҳтиромни билдиради, зеро, яхши кунларда одамлар бир-бирларига совға улашадилар. Бу нарса айниқса давлат раҳбарлари ўртасида бошқачароқ кўриниш касб этади. Одатда совға олган киши уни уйида сақласа, ҳукумат бошлиқлари ўзига тортиқ қилинган сувенирларни омма эътибори тушадиган жойда, дейлик, музейда сақлаши мумкин. Айнан шу нарса, хусусан, Қўшма Штатларда қонунийлаштирилган. Яъни мамлакат президентига берилган совғалар жамоатга кўринарли жойда туриши керак. АҚШ давлат департаменти маълумотига кўра, гарчи амалдаги президент Жорж Буш спиртли ичимликлар истеъмол қилмаса-да, лекин, сўнгги йилнинг ўзида унга 70 шиша вино совға қилишган. Кўпчилик юқори мартабали сиёсатдонлар кичик Бушнинг энг севимли дам олиш жойи Техас штатидаги ранчоси эканлигини билишади. Ва шу сабаб унга ранчога дахлдор нарсалар тортиқ қиладилар. Масалан, унга бир йил ичида 6 жуфт ковбойлар этиги, 5 та эгаржабдуқ ҳамда 3 та ковбойлар пичоғи совға қилинган. Биргина, Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев кичик Бушга тортиқ этган от эгарининг баҳоси 7500 АҚШ долларига тенг бўлса, Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзумининг совға тарзида берган балиқ овловчи қармоғининг баҳоси 399 долларни ташкил этади. Ёки Буюк Британия бош вазири Тони Блэр берган курткани нархи 354 доллар эди. Қўшма Штатлар қонунларига мувофиқ президентга юборилган совғалар ҳозирда музейда сақланаётган бўлиб, улар орасида қимматбаҳо туфлилар ҳам бор. Хусусан, Мексика президенти Висенте Фокс ўтган йили Жорж Бушга туяқуш терисидан қилинган 2 жуфт ва калтакесаксимон ноёб ҳайвон тангачаларидан ясалган бир жуфт туфли юборган. Шунингдек, Австралия бош вазири Жон Хауард ҳам тимсоҳ, кенгуру ва туяқуш (эму) терисидан тикилган уч жуфт туфлини Бушга тортиқ қилган. Бундан ташқари президент сувенирлари орасида Баҳрайн валиаҳди юборган баҳоси 10 минг долларлик олтин шамшир ҳамда Яман президентидан келган 1500 долларлик кумушдан ясалган қилич ҳам бор.

Давлат департаменти тайёрлаган маълумотномада ёзилишича, бундай сувенир совғалар нафақат президентга, балки ҳукуматнинг бошқа вакилларига ҳам инъом этилган. Жумладан, давлат котиби Колин Пауэллга биргина Фаластин раҳбари Ёсир Арофатнинг ўзи уч марта Христов байрами акс этган садаф (шаффоф) ҳайкалча тортиқ этган. Марказий Разведка Бошқармаси раҳбари Жорж Тенетга ҳам Яқин Шарққа ташрифлари вақтида шунга ўхшаш ҳайкалчаларни совға тарқасида беришган. Энергетика вазири Спенсер Абрахамга эса Саудия Арабистони нефть саноати вазири баҳоси 590 долларлик нефть хом ашёси тўлдирилган биллур фиални совға қилган.

"Internet"дан олинди.

КЕМБРИЖ ЭНГ ЯХШИ ОЛИЙГОҲ

"Дейли телеграф" газетаси ҳар йилгидек, мамлакат олий ўқув юртлари рейтингини эълон қилди. Таълим сифати, моддий-техник таъминот бошқарув самарадорлиги борасидаги ҳақиқий ҳолатлар ўрганиб чиқилгач, 35 та факультетдан 33 таси аъло баҳога лойиқ топилган Кембриж университети биринчи ўринни эгаллади. Ушбу университет бу йилда абитуриентларни ўзига жалб этиш бўйича 15 фоиз ўсишга эришди.

ЎҚУВЧИ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАР

Сакраменто (Калифорния пойтахти) шаҳар вояга етмаганлар иши бўйича суди 17 яшар ўқувчини "Рио-Американо" номли мактабни ёқиб юборгани учун 2 миллион доллар жарима тўлашга ҳукм этди. Суднинг бу қарори бугунги кунгача қабул қилинганларидан энг "оғири" бўлиб, айбланувчининг ота-онаси жариманинг фақат 0,5 фоизини (100000 доллар) тўлаш билан ёрдам қилиши мумкин экан. Тўловнинг қолган қисми ўқувчи томонидан амалга оширилиши шарт.

МАХСУС МАКТАБЛАРДА МАЖРУҲЛАР

Таълимнинг интерсификациялашуви Россияда болалар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Россия соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Ольга Шарипованинг таъкидлашича, ҳозирда оддий мактаблар ўқувчиларининг 20 фоизи сурункали касалликларга чалинаётгани ҳолда, махсус ёки чуқурлаштирилган таълим муассасаларида бу кўрсаткич 74 фоизга етган. Айниқса, овқат ҳазм қилиш тизими, нафас йўли ва кўз соҳасида, таянч-ҳаракат аъзоларида кўплаб муаммоларнинг келиб чиқаётгани ҳукуматни ҳам ташвишга солмоқда. Эндиликда таълим муассасаларида ўқувчилар учун 20 рубллик тушликлар ташкил этилади. Унинг 5 рубли давлат ва 15 рубли эса маҳаллий бюджетлардан қоплананади.

ФАН ВА ТАЪЛИМ ОЛАМИДА

СЕССИЯ ТУФАЙЛИ СУИҚАСД

Италия олий ўқув юртларидан бирида таҳсил олаётган 21 яшар талаба қиз навбатдаги сессиясини топширолмагач, икки нафар дугонаси билан ижарада турадиган хонанинг ваннасида ўз жонига қасд қилди. "La Republika" газетасининг ёзишича, психология факультетида илм сирларини ўрганаётган бу қиз отасининг қаҳридан қўрқиб, шу ишга қўл урган. Сессия натижаларидан қаттиқ таъсирланган бу талаба қиз ота-онаси, яқин қариндошлари олдидаги ор-номусдан кўра, ҳаётдан эрта кўз юмишни афзал деб билди.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти томонидан 1981 йилда Абдуллаев Шокир Рўзметович номига берилган ЖВ—I № 161964 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент кимё-технология институти томонидан Ражабов Рашид Шералиевич номига 2002 йил 5 июлда берилган № 035725 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси "Ўзбекўқувавтоматика" республика ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш маркази бош директори В.Д.Мусафировга синглиси **Людмила МУСАФИРОВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими", меҳнат фахрийси **Ҳабибулла НЎЪМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оиласига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими, туман касаба уюшма қўмитаси ва 102-мактаб-интернат жамоаси мактаб директори Надежда Исхақовага умр йўлдоши **Ҳабибулла НЎЪМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ў фақат бир нарсани — улкан кема ва ундан денгизга туширилган, усти зирҳли ойнаванд қопқоқ билан қопланган ғоғроққина қайиқни бунга сира боғлай олмасди.

Икки кеча-кундуз ўрмонда қолиб кетган Надя, яхшиямки, қутқарув хизматида ишлайдиганларга дуч келиб қолди.

КУНЕИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Илҳом АҲМЕДОВ

СЕҒОҲ

(қисса)

Тоғ тепасидан туриб пастга қарата отилган кичкина бир тош истасанг-истамасанг йўл-йўлакай бошқаларини ҳам эргаштириб кетавергани каби, чолнинг олтин хазинаси ҳам очила бошлади. Йигитлар бу гапларни бошқаларнинг оғзидан узуқ-юлуқ ҳолда эшитишган бўлсалар ҳам, чол билан бирор марта бафуржа гаплашишга муваффақ бўлишмаганликлари сабаб Гектор бобони жон-жон деб тинглашарди.

Чол ўзигагина хос бўлган қисқалик билан ростми-ёлғонми эканлигини билиб бўлмайдиган саргузаштларини сўзлай кетди.

— Катта Фарғона каналини қазишда қатнашган вақтларим эди. Бир ўзим икки кишилик юкни орқалаб чиқардим. Гектор бобонгнинг куч-ғайратига ҳамма қойил қоларди.

Чол, бироз ошириб юбормадиммикан, дегандай, тингловчиларнинг юзларига бир-бир қараб олди.

— Ҳар замонда Тошкентдан артистлар келиб, концерт қўйиб беришарди. Бир сафар Тамарахоним, Мукаррамхоним, Ҳалимахонимлар келишиб, катта концерт қўйиб беришди. Концерт тугагач, ҳашарчилардан бири, бизнинг орамизда ҳам битта ашулачи бор, шуям битта қўшиқ айтиб берсин, дейишди. Қани, бу ёққа чиқсин-чи, дейишди артистлар. Қарасам, ҳамма мени кўрсатаяпти. Тавба, буларнинг олдида бирор марта ашула айтган бўлмасам, қаёқдан била қолишди экан, деб ҳайрон қоламан. Рост, уларнинг олдида бирор марта ашула айтганим йўқ. Фақат хиргойи қилардим холос. Анча вақт ўтгандан кейин билсам, ўзимизнинг ҳамқишлоқлар айтишган экан. Нима бўлса бўлди, таваккал дедим-у, иккита машинанинг ёнма-ён қўйиб, бортидан ясалган саҳнага чиқдим. "Нима айтасиз?" дейишди. Бошладим. Уста Олим менга қўшилиб, доирани черта бошлади. Аста-секин бошқа созандалар ҳам жўр бўлишди. Берилиб айтган эканманми, бўлди қарсак, бўлди қарсак. Артистларнинг ўзлари ҳам чапак чалиб юборишди. Концертдан кейин Тамарахоним "Ҳалим ака, биз билан юринг, Тошкентга олиб кетайлик, ансамблимизга қўшиласиз" деди. Кейин Мукаррамхоним ҳам юринг деди. Ҳалимахоним ҳам таклиф қилди. Барибир кўнмадим. Шу қишлоғимни ташлаб қаерга ҳам кетардим.

— Борсангиз, зўр артист бўлиб кетармидингиз, — деди Воҳид.

— Ҳофиз дегин, — қўшиб қўйди Тўхтамурод.

— Ҳе-е, йў-ўқ. Тошкент ҳам ёмон эмасдир-у, лекин барибир ватанинг — туғилган жойингдай бўлолмайди. Эртами, кечми, омонатини топшираётган чоғингда киндик қонинг томган, онанг бешигингни тебратган жойда бўлмасанг, ўлигинг туғилган жойингда қолмаса, бу — хиёнат.

Тўхтамурод чолнинг шоирона эҳтиросга берила бошлаганидан завқланарди.

— Ватан деган сўзнинг мазмунини тушунасанми ўзинг, ҳей,— Воҳидга луқма ташлади тобора алангаланиб бораётган Ҳалим бобо. — Бу парвардигор танангни яратиб, унга жон ато қилган жой деган. Яъни, жон ва тан дегани сўзларнинг бирикиши. ЖОН ВАТАН.

Тўхтамурод буткул қотди. У чолнинг меҳнаткашлиги, ашулахонлиги, кези келганда, керак бўлса, гап билан ҳар қандай одамни ўтказиб қўя олиши мумкинлиги ва ҳоказо, ва ҳоказоларни ҳам билар, аммо унинг шунчалик чуқур эҳтиросли, гўзал қалб эгаси эканлигини билмасди.

Гектор бобо туйғуларига кўпроқ эрк бериб юборганини англади шекилли, бирдан жимиб қолди. Аммо сичқон уядай тешикни топиб олган сув оқими борабора уни кенгайтириб, боғлаб бўлмас даражадаги обканда ҳосил қилгандай, барибир ўзини жиловлай олмади. Энди у ҳиссиётини сўз билан ифодалашга ожизлик қилиб, тумбочкадан ликопча олди-да, уни тирноқлари билан тинг-тинг чертиб, хиргойи қила бошлади. Бу хиргойи аста-секин ҳақиқий қўшиққа айланиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Мушкин қошингнинг ҳайъати ул чашми жаллод устина,

Қатлим учун нас келтурур нун эл тибон сод устина.

Қилгил тамошо қомати зебоси бирла оразин,

Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванди шамшод устина.

***

Қилма ҳавас эй Огаҳий, эмди йигитлик айшини,

Ким етти умринг муддати эллик етти ёш устина.

Гектор бобо охирги байтини ўзига мослаб, бошқатдан такрорлади:

Қилма ҳавас эй Гекторий, эмди йигитлик айшини,

Ким етти умринг муддати етмиш етти ёш устина.

"Етмиш етти ёш устина" бўлган чолнинг ҳамон ширасси кетмаган овозини эшитгандан кейин ҳам биров "бўлди қарсак, бўлди қарсак"ни ёлғон деб кўрсин эди-чи.

Тўхтамурод билан Сафар ўзларини аллалаётган қўшиқнинг тугашини сира исташмас, ундан кейинги бўлган бир дақиқалик сукунат оғушида ҳамон мастдай эриб бораётган вужудлар тебранишини Воҳиднинг беихтиёр чалиб юборган чапагигина бир оз хушёр тортишга мажбур қилди.

Гарчи дарсдан кечикаётган бўлса ҳам, Тўхтамуроднинг бу ердан сира кетгиси келмас, иложи бўлса, Сафарни турғизиб юбориб, ўзи унинг ўрнида ётиб олса-ю, чолни соатлаб, ҳафталаб, ойлаб ашула айттираверса, айттираверса.

Ҳалим бобо бўлса, энди турингглар, Сафар ҳам дам олиши керак, уни қийнаб қўймайлик, демоқчи бўлдию, ўзининг суҳбати ҳам, ашуласи ҳам Сафар билан Тўхтамуродга хуш ёқаётганлигини сезиб, индамади. Аксарияти мана бу Воҳиддай бўлган ҳозирги ёшлар орасида Тўхтамуродга ўхшашларини топиш қийин. Йигит бояқишнинг унинг ҳангомаларига, ашулаларига қизиқиши ортиб бораётганлиги шундоққина билиниб турибди. Боз устига, унинг кишини ўзига жалб қилувчи нимасидир бор. Менинг бўлса, тўримдан гўрим яқин. Кел, фурсат ғаниматида эсимда борларини айтиб берсам айтиб бера қолай. Ахир, биздан кейин она қишлоғимда қоладиган шулар-ку.

Ҳали ҳеч нарсага ақли етмайдиган Абдурайимга ўхшаганларга ҳам, ақли-ку ақли, ҳатто фаҳми етмайдиган мана бу Воҳидга ўхшаганларга ҳам биз ҳақимизда шулар айтиб бермаса, ким айтиб беради. Дунёда кимни деб яшаяпмиз ўзи, шуларни деб эмасми.

— Воҳид, сен мана бу тарвузни сўйиш ҳаракатини қил, томоқни хўллаб олайлик, кейин гапни давом эттирамиз, — деди кутилмаганда Гектор бобо.

Ичидагини сиртига чиқара олмай турган Тўхтамуроднинг кўзлари яшнаб кетганини кўрган чол ўзининг тўғри йўл тутаётганига яна бир бор амин бўлди. Ички туйғу уни бу сафар ҳам алдамаётган эди. Ҳа, ўлганимдан кейин ҳам шу йигитлар юрагида яшаб қолишим тайин, дея ўйлади чол.

Воҳид Ҳалим бобо кўрсатган тумбочка тортмасидан пичоқ олиб, тарвузни сўйишга киришди.

— Иккига бўлма, учга бўл, — деди Гектор бобо. — Уч рақамини яхши кўришимни тушундингми ўзи? Иккитасини биз еймиз, биттаси Абдурайимнинг улуши.

Тарвуз сўйилгунча чол яна жим бўлди. Сафар ҳам, Тўхтамурод ҳам ортиқча луқма ташлаб, уни ҳозирги жўрланган ҳолатидан чиқариб қўйишдан чўчиб туришарди. Доирани яхшилаб қизитиб олганингдан кейин яна совутиб қўйсанг, у аввалгидай жарангли садо бермайди-да.

— Сизларга айтсам, уч рақамида ҳикмат кўп, — дея аввалги эҳтиросларига берила бошлади Ҳалим бобо. — Дунёдаги энг катта мақбара — Миср эҳромлари ҳам учбурчак шаклида қурилган учта иншоотдан иборат эканлигини яхши биласизлар. Кейин, инсон боласи неча кишидан яралади? Икки кишидан яралади, дейишларинг мумкин. Мен-чи, мен йўқ дейман. Нега дейсанми? Хўп, ота-онанг икки киши, лекин Оллоҳ таолонинг иродасичи? Демак, учинчи иштирокчи ҳам борми? Бор. Ана энди, шу икки кишининг қўшилишидан, — чол тахта пол юзасида кўрсаткич бармоғи билан қандайдир мавҳум нуқталар қўйиб, улар орасида кўзга кўринмас чизиқлар торта бошлади, — учинчи киши бунёдга келади. Худди ўша Миср эҳромларига ўхшаш кўплаб учбурчаклар ҳосил бўлаётганини тушунаяпсизларми: ота-она ва парвардигор, ота-она ва сен, парвардигор, ота ва сен, парвардигор, она ва сен...

Воҳиднинг-ку, ҳеч нарсага ақли етмасди. Тўхтамурод бўлса тригонометрия дарсларида чизиладиган пирамида шаклини кўз олдига келтирар, А,В,С,Д нуқталари оралиғида тортилган тўғри чизиқларни ўйлар, Сафар бўлса, ётган жойида чала-нимкала нималарнидир ўйлаб, фикрлари чалкашиб, чувалашиб кетди. У чолнинг фалсафаси олдида ўзининг ожиз эканлигини ҳис қила бошлади. Ҳозир унга бир нарса — анави "Бермуд учбурчаги", бу учбурчакнинг ўз қишлоғига мос келувчи аллақандай ўлчамлари шу пайтгача ўзининг кўзига назар-ногир бўлиб кўринган мана шу чолдан чиққанлиги, дард исканжасида ётган Сафар эса буни иситма аралаш эшитиб ётиб, алаҳсирашга йўйганлиги буткул равшан эди. У фақат бир нарсани — улкан кема ва ундан денгизга туширилган, усти зирҳли ойнаванд қопқоқ билан қопланган чоғроққина қайиқни бунга сира боғлай олмасди.

(Давоми бор)

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Xullas...

40 ЙИЛ ЯШАЙДИГАН БАЛИҚ

Энг тоза жонзот — балиқнинг янги турини ихтиро қилиш осон иш эмас. Ярославл шаҳридан унча узоқ бўлмаган "Келнот" балиқчилик питомниги ходимлари орзу қилаётган янги тур зоғорабалиқ ва товонбалиқни чатиштириш эвазига пайдо бўлди.

Бир неча ой "Келнот"да иш "қайнади". Ҳали ном қўйилмаган балиқ учун биологик эритма тайёрланди. Балиқларнинг мия остидаги ўсишга таъсир этувчи ички секреция безига қилинган укол янги турнинг ҳосил бўлишига имкон яратади.

"Биз кутаётган балиқ хили, вазни, хушхўрлиги, узоқ умр кўриши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга", — дейди хўжалик овчиси Леонид Лесусов.

Шундай қилиб, 19 июнь куни 120 мингта эндигина тухумдан чиққан балиқлар Келнот дарёси қирғоқларига келтирилди. Улар илк бор сув ҳавзасида ўйноқлаб сузиб кетишди. Балиқчилар маълум муддатдан сўнг зоғора ва товон балиқнинг чатишмаси — 40 йилгача яшаши мумкин бўлган тур кўпайишига умид боғлашган.

ЙЎҚОЛГАН БОЛАНИНГ ОТА-ОНАСИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Олти яшар бола йўқолди, ширингина қизалоқ. Кийим-кечаклари ҳам ҳалигидай, очликдан силласи қуриган, бурнидан тортсанг йиқилгудек, гапиришга ҳам ҳоли йўқ.

Икки кеча-кундуз ўрмонда қолиб кетган Надя, яхшиямки, қутқарув хизматида ишлайдиганларга дуч келиб қолди. Любань посёлкасидан экан. Ота-онаси, унинг айтишига қараганда, йўқолиб қолганидан сира ҳам ташвиш чекадиган одамлар эмас. "Улар доимо ичиш билан банд, бу эса менинг жонимга тегиб, уйдан бош олиб чиқиб кешига мажбур бўлдим" дейди қизалоқ қутқарув хизматидаги меҳрибонлардан нажот истагандек.

Ўрмонда туз тотмай кучсизланиб, изғиринг-да совқотиб қолган қизалоқ вилоят шифохонасига жўнатилди. Албатта, норасида бу ерда ўзига келтирилади, аммо унинг кейинги тақдири-чи?

Милиция ходимлари боласининг йўқолганини маълум қилиш учун ичкиликсиз туролмайдиган ота-онани ахтаришмоқда. Бундай ота-оналарга фарзанд бўлгулик қилмасин.

ИМПЕРАТОРНИНГ МИТТИ ПОРТРЕТИ

Екатеринбургда истиқомат қилувчи минглаб миниатюралар муаллифи Юрий Деулиннинг бисоти яна бир ижод маҳсули билан бойиди. Бунисини ҳақиқий мўъжиза дейсиз.

Рассом бу гал император Николай II нинг қиёфасини яратмоқ истаб, кўкнори уруғига "мурожаат" қилди.

Қизиғи шундаки, мусаввир бу митти миниатюрани яратиш учун одатдаги мўйқаламдан ер билан осмонча фарқ қилувчи бурганинг оёғидан қилинган мўйқалам ишлатди. Икки паллага ажратилган кўкнори уруғидан тозалангач, Юрий Деулин иштиёқ ва ҳаяжон билан ўз ижод намунаси устида тер тўкди. Натижада биб-бинойидай, фақат микроскоп остидагина кўриш мумкин бўлган императорнинг портрети яратилди.

Рассомнинг бисотида бундай миниатюралар 25 та. Албатта, уларни яратиш қанчалик машаққат эканлигини тушунган одам буни оз деб баҳоламайди, аксинча, кўплигини эътироф этади.

ana shunaqa gaplar



ЖЧ—2002 дан сўнг Россия терма жамоаси бош мураббийи Олег Романцев денгиз соҳилига борди ва тилло балиқчани чақириб, деди:

— Эй, тилло балиқча, сендан Россия Франция ва Аргентинадек ўйнашини бураган эдим. Аммо, гурухда қолиб кетишини эмас!?

***

Қамоқхонага бир киши келиб сўрайди:

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, маҳбус Гейнрих билан учрашсам бўладими?

— Биласизми, у кечагина озодликка чиқди. Тахминан бир ойлардан сўнг келсангиз у билан яна учрашишингиз мумкин.

Ko'ngil bitiklari

СОЯБОН БЎЛАР

Кетаман орқамда кўзларинг қолар,
Менга айтолмаган сўзларинг қолар,
Юрагим йўлида изларинг қолар
Севгимга андиша бўлар соябон.

Кўришсам кўлимни қўймайсан узоқ,
Ишқим оғусига қўйибсан тузоқ,
Мен севган йигитнинг бирам кўнгли оқ,
Севгимга андиша бўлар соябон.

Ишқим дарахтига қушим қўнади,
Болишларда бошим, юрак ёнади.
Ҳижроннинг тунига бир ой қўнади,
Севгимга андиша бўлар соябон.

Сарғайган рангларнинг охири ёмон,
Севишганлар даври бўлади замон,
Ишқим тарозисин босаркан ҳамон,
Севгимга андиша бўлар соябон.

Меҳринисо БОБОБЕКОВА,
Пойариқ туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси

САДОҚАТ

Қанча йиллар ўтди сурон билан,
Куйган булут кўп олишди осмон билан,
Ўттиздан ҳам ошиб қолдим армон билан,
Қишлоқдаги соғинчларим омонмикан.

Ҳаёт мени гоҳ сийлади, гоҳ тош отди,
Кўзларимда гоҳида нур, гоҳ ёш оқди.
Мени ғаму шодлик аро талош этди,
Қишлоқдаги соғинчларим омонмикан.

Юрагимга бошим қўйиб йиғладим рост,
У шеър ёзса кўксим тутиб бўлдим қоғоз.
Қай кўнглимни ёриб чиққан таниш овоз
Қишлоқдаги соғинчларим омонмикан.

Қари тутнинг соялари соя эди,
Икки дилни учраштирган қоя эди.
Қанча куймай, қанча чорлай, зоя энди,
Қишлоқдаги соғинчларим омонмикан.

Маъмура МАДРАҲИМОВА

ҚАЙДАСИЗ ОНАЖОН?

Кунлар хаёлимда, тунлар тушимда
Бир нафас айро кўролмам сизни.
Бағримдан бир дард юлқиб олдию,
Онам ташлаб кетди эрка қизини.

Қайдасиз онажон изладим сизни,
Иссиқ бағрингиз совудими воҳ.
Гамнинг чангалида қолдириб бизни,
Наҳот отамни ҳам этдингиз сиз тоқ.

Онамнинг ҳам умрин берсин отамга,
Бизларга ҳамиша бош бўлиб юрсин.
Омин деб қўлимни очай дуога,
Онажоним руҳлари мададкор бўлсин.

ВАТАНИМ

Бағрингда ўсдим, эркин улғайдим,
Ватаним сен билан кўксим баланддир.
Сен билан ҳалолдир еган ноним ҳам,
Умринг узоқ бўлсин, азиз ватаним.

Бунданда мавқеинг баландроқ бўлсин,
Душманлар хасаднинг ўтида ёнсин.
Дўстларинг кўпайсин кўпайган сари,
Узун бўлсин нурдек умринг, ватаним.

Малоҳат БОЛТАЕВА

"ШАҲАРЛАР" СКАНВОРДИ

Сканворд харита орқали ечилади



Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-629.
Тиражи 24217 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Ҳусан НИШОНОВ,
Навбатчи: Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-56-10.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00